

СОЛИҚ ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 51 (1375) • 2020 йил 22 декабрь

ISSN 2010-524X

УШБУ СОНДА

СОЛИҚ ҚАРЗИ БЎЙИЧА ПЕНЯ ҚАНДАЙ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ?

Пеняни ҳисоблаш тартиби ва унга тегишли преференцияларга доир

3-бет

Фойдаланишга яроқсиз товар утилизацияси қандай ўтказилади?

4-бет

Қонун ҳужжатларида қандай янгиликлар бор?

5-10-бетлар

Жисмоний шахслар даромадидан олинган солиқлар

11-12-бетлар

Онлайн-НКМни инвентарь сифатида кирим қилишда фискал модуль учун харажат унинг қиймати-га киритиладими?

13-бет

Божхона постидан ўтолмади

16-бет

✓ ПАРЛАМЕНТ ХАБАРЛАРИ

2021 ЙИЛ УЧУН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ МАЪҚУЛЛАНДИ

2020 йил 18–19 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисда Сенат аъзолари томонидан, хусусан, қуйидаги қонунлар муҳокама қилинди.

«2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида». Ушбу Қонун билан келгуси йил учун асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ва консолидациялашган Давлат бюджети прогнозлари ҳамда 2022–2023 йиллар учун бюджет мўлжаллари белгиланмоқда.

Макроиктисодий сиёсатнинг асосий йўналиш ва кўрсаткичлари келгуси йилда ҳам коронавирус пандемияси давом этиши тахминларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилган. Бунда асосий эътибор макроиктисодий барқарорликни сақлаб қолиш, фискал рағбатлантириш чораларини мўтадиллаштириб бориш, иқтисодий ўсиш суръатларининг 5 фоиздан юқори бўлишини таъминлашга қаратилган. Инфляция даражасининг пайсаяни тенденцияси давом этиши ва келгуси йилда унинг 10 фоиз атрофида бўлиши прогноз қилинмоқда.

2021 йилда Консолидациялашган бюджет даромадлари 178,5 трлн сўмга ёки ялпи ички маҳсулотнинг 25,9 фоизи даражасида прогноз қилинган. Давлат бюджети даромадлари 147,2 трлн сўм ёки ялпи ички маҳсулотнинг 21,3 фоиз миқдориди белгиланмоқда. Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари 26,2 трлн сўм, харажатлари эса 40,8 трлн сўм миқдориди режалаштирилган.

Давлат мақсадли жамғармаларига республика бюджетидан 15,9 трлн сўм маблағ ажратиш ҳам белгиланган. Жумладан, бюджетдан

ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари 23,5 трлн сўм, харажатлари 36,5 трлн сўмни ташкил этгани ҳолда бюджетдан 14,7 трлн сўм ажратилиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, Давлат бюджетидан ижтимоий соҳаларга, хусусан, таълим соҳаси харажатларига 34,6 трлн сўм, Соғлиқни сақлаш соҳасига 19,6 трлн сўм, Маданият ва спорт соҳаси харажатларига 2,6 трлн сўм ва фанни янада ривожлантириш тадбирлари учун 1,2 трлн сўм йўналтириш режалаштирилган.

Давлат дастурлари орқали эса узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш дастурлари учун 2 197 млрд сўм, фанни ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун 168 млрд сўм, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш учун 3 952 млрд сўм маблағ ажратиш режалаштирилган. Шунингдек, жамоатчилик ва парламент назоратини кучайтириш чоралари доирасида Қонунда илк бор биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилари бюджетда давлат дастурлари учун ажратилаётган маблағлар алоҳида кўрсатилиши назарда тутилганини қайд этиш лозим.

«Бюджет жараёни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида». Мазкур Қонун билан бюджет тизими ва бюджет жараёнини такомиллаштириш чоралари белгиланмоқда. Ушбу чораларнинг Бюджет ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар ҳамда «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги ва «Бухгал-

терия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларга тегишли ўзгариш киритиш орқали амалга оширилиши назарда тутилган. Бунда Бюджет кодексига киритилган ўзгариш билан бюджет жараёнининг шаффоқлигини таъминлаш тартиби бузилган ҳолларда вазирлик ва идоралар раҳбар ходимларига жарима қўлланилиши белгиланмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси ҳақидаги ҳисоботни тақдим этмаган, бюджет жараёнининг шаффоқлигини таъминлаш тартибини бузган вазирлик ва идоралар раҳбарларига жарима қўллаш бўйича ўзгаришлар киритилмоқда.

«2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида». 2021 йилда солиқ сиёсатини такомиллаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигини ошириш орқали солиқлар йиғилувчанлигига эришиш Қонуннинг асосий мақсадидир. Шунга кўра, «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгариш киритилмоқда.

Солиқ кодекси нормаларининг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш мақсадида тегишли солиқ ставкаларини босқичма-босқич базавий ставкаларга етказишни назарда тутувчи ўзгаришлар ҳам киритилмоқда.

Мазкур қонунлар Сенат аъзолари томонидан маъқулланди.

Сенат Ахборот хизматининг материаллари асосида.

Э Ў Л О Н

NORMAdan ЭЛЕКТРОН КИТОБЛАР УЙГАЧА ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ

«ToPrint» МЧЖ «Norma» иқтисодий-ҳуқуқий нашриёти 809 обуна индекси билан 2021 йил учун «Norma-бухгалтер» электрон кутубхонаси»га обунани ўтказди

Электрон китоблар сўнгги йилларда бухгалтерлар орасида тобора омаллашиб бормоқда. Улар бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш ва тадбиркорликнинг турли ҳуқуқий жиҳатларига тааллуқли китобларни нафақат чакана савдо нуқталари орқали сотиб олиш, балки обуна бўйича офисгача етказиб берилишининг қулайликларига баҳо бердилар.

«Norma-бухгалтер» электрон кутубхонаси»га обуна – бу фойдали, долзарб ва ишончли маълумотлардан иборат бўлган 4 та диск.

Дастлаб «Годовой отчет-2020»ни (рус тилида) чиқариш ва 2021 йил январда обуначиларга етказиб бериш режалаштирилган. Ундан кейин ҳар чоракда қуйидаги электрон китоблар чиқарилади: «2021 йилда солиқ қонунчилиги», «Все об НДС» (рус тилида), «2021 йилда меҳнат қонунчилиги».

Нашрларимизга йиллик обунани расмийлаштирсангиз, бир қатор афзалликларга эга бўласиз. Обуна орқали олинган китоб-



ларимиз чакана савдодаги китобларимизга қараганда анча арзон туради. Инфляция билан боғлиқ нарх-навонинг кўтарилиши ҳам обуначиларга таъсир кўрсатмайди. Яна бир афзаллик шундаки, китоблар кўрсатилган манзил бўйича қафолатли етказиб берилди (хоҳ уйга бўлсин, хоҳ офиснингизга). Етказиб бериш бепул бўлиб, мамлакатимизнинг барча минтақаларини қамраб олади.

Нашриёт китобларига исталган шахс – жисмоний ёки юридик шахс обуна бўлиши мумкин.

2021 йил учун йиллик обунани шартнома тузиш йўли билан нашриётда расмийлаштирсангиз, шартноманинг ўзини бизнинг knigi.uz интернет-дўконимиздан юклаб олиш ёки оммавий офертадан фойдаланиш мумкин.

Шартнома бўйича тўлов амалга оширилгандан сўнг (90) 174-29-81 телефон рақамига кўнгирак қилиб ёки телеграм орқали бу ҳақда бизни хабардор қилинг.



ОНЛАЙН-КАССАЛАР БИЛАН ИШЛАШ ҚОИДАЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛДИ

ВМнинг 20.11.2020 йилдаги 736-сон қарори билан Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизимини қўллаш тартиби тўғрисида Низомга (23.11.2019 йилдаги 943-сон ВМҚ) тузатишлар киритилди. Улар 2021 йил 1 мартдан эътиборан кучга киради.

«Z-ҳисобот» тушунчасига тузатиш киритилди

Энди ушбу атама остида фискал модулнинг оператив хотирасидаги чекларнинг асосий фискал маълумотларини бўшатиб, уларни модулнинг фискал хотирасига жойлаштирган ҳолда шаклландирилган ҳисобот шакли назарда тутилади. Бунда Z-ҳисоботнинг очилиш ва ёпилиш вақтлари қайд этилади. Ва у корхонанинг ихтиёрига кўра ўрнатилиши мумкин.

Онлайн-НКМ ва виртуал кассалар чеклари маълумотлар билан тўлдирилади

Уларда чекдан тўланадиган ҚҚС-ни (бугунги кунда фақат товардан тўланадиган ставкалар ва суммаларни ёзиш зарур), шунингдек – Товарларнинг (хизматларнинг, ишларнинг) ягона электрон классификатори кодини топиш мумкин бўлади.

Бундан ташқари, илгаригидек чекларда қуйидагиларни топиш мумкин:

- чекнинг тартиб рақами;
- онлайн-НКМнинг завод рақами ёки виртуал кассанинг серия рақами;
- тадбиркорлик субъектининг номи;
- унинг СТИРи;
- пулли ҳисоб-китоблар амалга ошириладиган манзил (харидорга етказиб бериш хизмати амалга оширилган тақдирда етказиб берувчи тадбиркорлик субъектининг юридик манзили);
- товар/хизмат номи;
- маркировка қилинадиган товарлар учун – маркировка коди;
- товар/хизмат миқдори;
- товар/хизмат нархи (киймати);

- товар/хизматнинг ҚҚС ставкаси;
- товар/хизматнинг ҚҚС суммаси;
- тўлов шакли: нақд, пластик карта ёки аралаш;
- тўловнинг жами суммаси;
- тўлов санаси ва вақти;
- фискал модулнинг такрорланмайдиган рақами;
- фискал белги;
- берилган касса чекининг ҳақиқийлигини текшириш учун камида 30x30 миллиметр ўлчамдаги QR-код;
- харидор томонидан кўрсатилган бошқа реквизитлар.

Кўчма савдо билан шуғулланадиган тадбиркорлар учун қоидалар белгиланди

Низомга қўшимча киритилди, у билан кўчма савдо субъектлари учун онлайн-НКМ ва виртуал кассани рўйхатдан ўтказиш қоидалари белгиланди. Улар ўз касса қурилмаларини тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтган жой бўйича туман (шаҳар) ДСИдан рўйхатдан ўтказишлари керак.

Онлайн-НКМ ёки виртуал кассани ДСХОда рўйхатдан ўтказиш учун тадбиркорлик субъектлари аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишни бошлашдан олдин белгиланган шакл бўйича тузилган электрон ёки ёзма ариза билан Давлат реестрига киритилган ТХКМ ёки унинг ҳудудий филиалига мурожаат қилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатларни илова қилиш зарур:

- турғун шохобча (офис, бош дўкон) мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг нусхалари (бино,

иншоотнинг ёки унинг қисмининг ижара шартномаси ёки кадастр ҳужжатлари);

- онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал кассага техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тўғрисида ТХКМ билан шартнома нусхаси;
- турғун савдо (хизмат кўрсатиш) шохобчаси манзилининг харитадаги координатаси.


Солиқчилар учун онлайн-НКМ ва виртуал кассаларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш муддатлари чекланди

Бугунги кунда Низомда фақат ТХКМ ходимида тадбиркорлик субъекти томонидан ариза тақдим этилган пайтдан эътиборан 4 соат ичида онлайн-НКМ ёки виртуал кассани рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатларни солиқ органларига бериш мажбуриятини юклайдиган норма мавжуд.

Энди эса Низом норма билан тўлдирилмоқда, унга асосан давлат солиқ хизмати органлари ҳужжатларни махсус ахборот тизимида рўйхатдан ўтказилган (ТХКМдан жўнатилган пайтдан эътиборан) санадан эътиборан 8 иш соатида кўриб чиқишлари шарт.

Квитанциялар берган ҳолда сотувлар тўғрисидаги маълумотлар онлайн-НКМ ёки виртуал кассага киритилиши зарур

Онлайн-НКМ ёки виртуал касса бузилган ҳолда захирадаги қурилмани ўрнатгунга қадар Низом билан тадбиркорлик субъектларига белгиланган намунадаги квитанцияни беришга рухсат этилган. Ҳужжат тадбиркорларга ушбу квитанциялар



бўйича маълумотларни захирадаги қурилма ўрнатилгандан сўнг ёки таъмирлаш тугагандан кейин онлайн-НКМ ёки виртуал кассалар тизимига киритиш мажбуриятини юклайдиган норма билан тўлдирилди. Моҳиятига кўра, бу шуни аниқлатади, квитанцияларда мавжуд маълумотларга ўхшаш маълумотлар билан чеклар урилиши керак.

Экспертиза учун муддатлар оширилди

Агар текширувчилар ва назорат қилувчи органларда онлайн-НКМ ёки виртуал кассанинг созлиги юзасидан шубҳа пайдо бўлса, улар уни экспертиза учун олишлари мумкин. Амалдаги нормаларга биноан бундай экспертиза олиб қўйилган кундан эътиборан 3 иш куни ичида ўтказилиши керак. Тузатишлар кучга киргандан кейин ушбу муддатнинг давомийлиги 10 кунга қадар узайтирилади.

Фискал модуль учун қандай ҳақ тўлаш аниқлаштирилди

Низомнинг 55-бандига асосан тадбиркорлик субъектларини фискал модуль билан таъминлаш ва оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун йилда бир марта БҲМнинг 1 баравари миқдорда тўлов ундирилади. Аниқлаштирилишича, ушбу тўлов ҳам нақд, ҳам нақдсиз шаклда амалга оширилиши мумкин.

Олег ГАЕВОЙ.

УШБУ СОНДА:

• ПАРЛАМЕНТ ХАБАРЛАРИ

– 2021 йил учун Давлат бюджети маълумотлари

1-бет

• СОЛИҚ СОЛИШ

– Онлайн-кассалар билан ишлаш қоидаларига ўзгартиришлар киритилди

– Солиқ қарзи бўйича пеня қандай ҳисоблаб чиқарилади?

– «Импорт» ҚҚС ҳисобининг ўзига хос хатлари

– ИФЖМС шартномасини туздингизми – электрон ҳисобвақф-фактура оласиз

2-3-бетлар

• АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ

– Импорт товар яроқсиз ҳолга келди

– Онлайн-НКМ харажатлари бухгалтерия ҳисоби

– Онлайн-НКМга ўтишни йил охирига қадар ақунлаган маъқул

4, 13-бетлар

• ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

– «Ипотека кредити механизмлари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида».

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:

– «Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат хизматлари марказлари орқали электрон рақамли имзо қалитини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзо қалитининг сертификатини бериш бўйича

давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш ҳақида» 2018 йил 10 майдаги 348-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»;

– «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлаш муддатларини ўзгартириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида».

Идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат

– ЎзР ДСҚнинг «Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, аризалар ва билдиришномалар қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори

5-10-бетлар

• БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ

– 2020 йилнинг декабрь ойи учун жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ва бошқа мажбурий бадаллар ҳисоб-китоби услубияти

11-12-бетлар

• МУТАХАССИС МАСЛАҲАТЛАРИ

– Фойдаланишдаги ашёларнинг жойи омондами?

– Инвентаризацияга тайёрланамиз

14-бет

• БОЖХОНА

– Кодни белгиланган ва рўйхат билан солиштиринг

– Экспорт қоғида божхона баҳолаши

– Ёшлар – келажак бунёдкорлари

– Ҳужжатларда «йўқ». Қўриқ вақтида кўриниб қолди

15-16-бетлар

Тахрират аноним хатларга муносабат билдирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

СОЛИҚ ҚАРЗИ БЎЙИЧА ПЕНЯ ҚАНДАЙ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ?

Агар солиқ тўловчи солиқ қарзини сўндирмаса, солиқ органлари уни мажбурий ундирадилар. Қонунчиликда белгиланган солиқларни тўлаш муддатларини бузганлик учун солиқ тўловчи пеня ҳам тўлайди. Пеня ҳисоб-китоби тартиби ва унга тегишли преференциялар ҳақида buxgalter.uz учун «Norma» компанияси эксперти Дилором САИДОВА сўзлаб берди:

– Солиқ тўлаш мажбуриятига эга бўлган солиқ тўловчи уни тўлашга доир тўлов топшириқномасини хизмат кўрсатувчи банка, ўзининг банк ҳисобварағида пул маблағлари бор-йўқлигидан қатъи назар, ушбу белгиланган тўлов муддатидан кечиктирмасдан тақдим этиши шарт (СК 115-м. 1-қ.).

Агар солиқ тўловчи белгиланган муддатда солиқ қарзини сўндирмаса, солиқ органи уни ундириш чораларини кўриши шарт:

- солиқларни тўлаш муддати ўтганидан кейин 3 кундан кечиктирмай солиқ қарзини узиш тўғрисида талабнома юбориши (СК 115-м. 2-қ.);
- агар солиқ тўловчи солиқни тўлаш учун тўлов топшириқномасини мустақил равишда юбормаган бўлса, банк ҳисобварақларидаги пул маблағларини (жумладан корпоратив карталардаги маблағларни) солиқни тўлаш учун белгиланган муддат тугагач 3 иш кундан кечиктирмай ундиради (СК 121-м. 1, 6-қ.);
- агар қарз ихтиёрий равишда ёки

банклардаги ҳисобварақлардаги маблағлар ҳисобидан сўндирилмаса, қарзни солиқ тўловчининг бошқа мол-мулки, шу жумладан нақд пул маблағлари ҳисобидан ундиради (СК 123-м.).

Шунингдек, солиқ қонунчилиги билан белгиланган солиқларни тўлаш муддати бузилган тақдирда пеня ҳисобланади (СК 110-м.).

Қандай ҳисоблаб чиқарилади?

2020 йилдан бошлаб пенянинг ставкаси МБнинг қайта молиялаш ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади ва унинг 1/300 қисмига тенг (СК 110-м. 11-қ.).

2020 йилда ҳар бир кечиктирилган кун учун пеня ставкаси куйидагиларни ташкил этган:

- 01.01.2020 йилдан 14.04.2020 йилга қадар – 0,053% (16% x 1/300);
- 15.04.2020 йилдан – 0,05% (15% x 1/300);
- 11.09.2020 йилдан – 0,047% (14% x 1/300).

МИСОЛ. Солиқ ўз вақтида тўланмаганда пеня ҳисоблаш

Молиявий қийинчиликлар туфайли корхонада 3 600 000 млн сўм миқдорда солиқ бўйича боқимонда ҳосил бўлди. У солиқни тўлаш муддати ўтгандан кейин 15 кундан сўнг сўндирилди. 3,6 млн сўм миқдорда солиқ бўйича асосий қарздан ташқари, корхона 25 380 сўм (3 600 000 x 0,047% x 15 кун) пеня тўлайди.

Имтиёз

Пандемия даврида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун давлат уларга имтиёзлар ва преференциялар тақдим этди, шу жумладан – пеня ҳисоблаш ва тўлаш бўйича:

- кичик тадбиркорлик субъектларига 2020 йил 15 май ҳолатига ер солиғи ва мол-мулк солиғи бўйича 2020 йил 1 январдан бошлаб ҳосил бўлган пеня ва жарималар суммалари ҳисобдан чиқарилди (18.05.2020 йилдаги ПФ-5996-сон Фармон 2-б.);

• микрофирма ва кичик корхоналарда 2020 йил 15 май ҳолатига солиқлар, пенялар ва ҳисобланган жарималар бўйича мавжуд бўлган қарздорликни ундириш 2020 йил 31 декабргача тўхтатиш (ПФ-5996-сон Фармон 5-б., 20.07.2020 йилдаги ПФ-6029-сон Фармон 7-б. «г» кичик банди).



МИСОЛ. 2020 йил 15 май ҳолатига солиқлар бўйича ҳосил бўлган қарз ва пеняни ундиришни тўхтатиш

Айланмадан олинандиган солиқ тўловчиси бўлган умумий овқатланиш кичик корхонаси карантин туфайли 2020 йил 29 мартдан бошлаб фаолиятини мажбурий тўхтатди. Ҳисобварақда маблағлар этишмаслиги сабабли 1 чорак учун айланмадан олинандиган солиқ тўлиқ тўланмаган. Боқимонда 3,2 млн сўмни ташкил этган.

2020 йил 16 апрелдан бошлаб (СКда белгиланган солиқни тўлаш кунидан кейинги кундан бошлаб) айланмадан олинандиган солиқ бўйича ШКда ҳар бир кечиктирилган кун учун 1 600 сўм (3 200 000 x 15% / 300) миқдорда пеня ҳисобланади. 16 апрелдан 15 майга қадар (15 май ҳам қиради) бўлган давр 30 кунни ташкил этади. Тегишинча, шу давр учун пеня суммаси 48 000 сўмни (1 600 x 30) ташкил этади.

Тақдим этилган преференцияга асосан 2020 йил 15 май ҳолатига ҳисобланган 3 248 000 сўм (3 200 000 + 48 000) миқдорда боқимонда ва пеня суммалари 2020 йил 31 декабрга қадар ундирилмайди. 15 майдан кейин ҳисобланган солиқлар ва пеня СКда белгиланган тартибда ундирилади.

? Ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулот ишлаб чиқариш учун хом ашё ва материалларни импорт қилади ва уларни товар сифатида олиб сотмайди. Импорт қилинган товарларни реализация қилишида ҚҚС бўйича солиқ базасини аниқлаш нормаси бундай корхонага нисбатан татбиқ этилади?

«ИМПОРТ» ҚҚС ҲИСОБИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

– Импорт қилинган товарларни реализация қилиш чоғида ҚҚС бўйича солиқ базаси ушбу товарларни импорт қилиш чоғида бюджетга ҳақиқатда тўланган солиқ ҳисоблаб чиқарилган қийматдан паст бўлиши мумкин эмас (СК 248-м. 5-қ.). Мазкур норма фақат импорт қилинган товарларни реализация қилиш чоғида қўлланилади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида импорт қилинган хом ашёдан фойдаланадиган ишлаб чиқариш корхонаси мазкур нормани қўлламайди, сабаби ушбу хом ашёни реализация қилмайди, балки уни ишлаб чиқаришга сарфлайди.

Агар корхона қандайдир сабабларга биноан импорт қилинган хом ашёни сотишга қарор қилса, бу ҳолда ҚҚС бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларда у импорт қилишда тўланган солиқ суммасини ҳисобга олиши керак. Харидорлар билан ҳисоб-китобларда битим тарафлари томондан қўлланилган нархдан келиб чиққан ҳолда ҚҚС суммаси ҳисобга олиниши керак (СК 248-м. 1-қ.). Бирок, агар хом ашё божхона органлари томонидан «импорт» ҚҚС ҳисоб-китоби учун қабул қилинган қийматдан паст қийматда реализа-

ция қилинса, бюджет билан ҳисоб-китобларда қўшимча солиқ ҳисоблашга тўғри келади.

ҚҚС бўйича ҳисоботда (1-илова, АВ рақами 3221, 24.02.2020 й.) божхона органлари томонидан товарларни импорт қилиш чоғида ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун аниқланадиган қиймат ва импорт қилинган товарларни ҚҚСсиз реализация қилиш нархи ўртасидаги ижобий фарқ ҚҚС ҳисоб-китобига 1-«Солиқ давридаги товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмалар» илованинг 0104-сатрида акс этирилади. Бунда ушбу ҳисобот шаклига изоҳларда 0104-сатр импорт қилинган товарларни сотиш бўйича савдо фаолиятини юритувчи импорт билан шугулланувчи корхоналар томонидан тўлдирилиши кўрсатилган.

Қўшимча ҳисобланган ҚҚС суммаси давр харажатларига киритилади (9430-«Бошқа операциялар харажатлар» счёт) ва фойда солиғи ҳисоб-китобида чегирилади.

Баҳодир БОЙҚОБИЛОВ,
Молия вазирлигининг бивосита солиқлар ва божхона тўловлари методологияси бўлими бошлиғи.

ИФЖМС ШАРТНОМАСИНИ ТУЗДИНГИЗМИ – ЭЛЕКТРОН ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРА ОЛАСИЗ

2021 йил учун шартномаларни тузган ҳолда, бошқалар қаторида иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш (ИФЖМС) шартномасини унутмаслик муҳим. Уни расмийлаштиришдаги янгиликлар, шунингдек – суғурта компаниялари билан бошқа шартномалар ҳақида buxgalter.uz илтимосига биноан солиқ маслаҳатчиси Гулнора ЭРГАШЕВА гапириб берди:

– Янгиликлар электрон ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириш зарурати билан боғлиқ.

2007 йил тахриридаги Солиқ кодекси амалда бўлган даврда топширик шартномаси ва (ёки) суғурта полиси ҳисобварақ-фактурани ўрнини босувчи ҳужжат мақомига эга бўлган (2007 йил тахриридаги СК 222-м. 3-қ. 6-б.). Шу бонс суғурта компаниялари ўз миқдорларига ҳеч қачон ҳисобварақ-фактуралар тақдим этишмаган.

Бирок вақт ўзгарди. 2020 йилги Солиқ кодексига касса аппарати чеки ёки белгиланган шаклдаги бошқа ҳужжат ҳисобварақ-фактурани ўрнини босувчи бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги айtilган (янги тахриридаги СК 47-м. 3-қ.) Ҳисобварақ-фактуралар ўрнини босувчи ҳужжат деб эътироф этиладиган ҳужжатлар Ҳисобварақ-фактура-

ларнинг шакллари ҳамда уларни тўлдириш, тақдим этиши ва қабул қилиш тартиби тўғрисида низомнинг 3-бандида келтирилган (ВМнинг 14.08.2020 йилдаги 489-сон қарорига 2-илова) Уларнинг орасида топширик шартномаси ҳам, суғурта полиси ҳам мавжуд эмас. Бинобарин, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузиш чоғида ҳисобварақ-фактура расмийлаштириш – мажбурий. Суғурта компанияси сизга уни электрон шаклда тақдим этиши керак.

Одатда, суғурта компаниялари мижозга топширик шартномаси ёки суғурта полисини берганларидан кейин ҳисобварақ-фактура тақдим этадилар. Мижоз бундай ҳисобварақ-фактурани уни олган пайтдан эътиборан 10 кун ичида кўриб чиқиши ёки рад этиши шарт.

ИМПОРТ ТОВАР ЯРОҚСИЗ ҲОЛГА КЕЛДИ

? Ташкилот (МЧЖ, ҚҚС ва фойда солиғи тўловчиси) уруғларнинг улгуржи савдоси билан шуғулланади. 2018 йилда импорт шартнома бўйича экин уруғларини олдиқ. Божхонада расмийлаштириш чоғида мувофиқлик сертификати олинди. Уруғларни 2018–2020 йилларда сотдиқ, бироқ тўлиқ сота олмадиқ. 2020 йилда уруғ қолдиқлари синовдан ўтказилганда улар экинга яроқсизлиги тўғрисидаги хулоса (сертификат) берилди. Етказиб берувчи уруғларнинг қолган қисмини утилизация қилишга ва шартнома суммасининг бир қисми бўйича қарзни ҳисобдан чиқаришга розилиқ билдирди.

1. Фойдаланишга яроқсиз бўлган товарни утилизация қилишга рухсатномани қандай олиш мумкин?
2. Утилизация жараёни қандай ўтказилади?
3. ҚҚС ҳисоб-китобида импорт товарни ҳисобдан чиқариш қандай акс эттирилади?
4. Фойда солиғи бўйича ҳисобдан чиқарилган товарлар қиймати чегириладиган харажатлар ҳисобланадими?
5. Хорижий ҳамкор олдидаги кредиторлик қарзининг ҳисобдан чиқарилиши қандай расмийлаштирилади? Бу қандай бухгалтерия проводкалари билан расмийлаштирилади?

1 Чикиб кетаётган товар-моддий захиралар қиймати чиқиб кетиш чоғида балансдан чиқарилади. ТМЗ куйидаги сабабларга кўра тугатилганда (йўқ қилинганда) балансдан ҳисобдан чиқарилади: сақлаш муддати тугаши билан яроқсиз ҳолга келганлиги, жисман ва маънан эскирганлиги туфайли; бузилиши, айнаиши, ишдан чиқиши ҳолатлари аниқланганда (4-сон БҲМС 58-б., АВ рақами 3259, 30.06.2020 й.).

4-сон БҲМСда ҳисобдан чиқариш таомили тартиби келтирилмаган. Хўжалик юритувчи субъект мустақил равишда бошланғич ҳужжатларга асосан ТМЗни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилади. Сизнинг ҳолатингизда куйидагилар бошланғич ҳужжатлар ҳисобланади:

- синовлар ўтказиш тўғрисида ҳисобот;
- етказиб берувчининг розилиғи;
- раҳбарнинг буйруғи (фармойиши).

2 Юқорида санаб ўтилган ҳужжатларга асосан уруғлар қишлоқ хўжалиги корхоналарига, масалан, озуқа сифатида реализация қилинади. Агар бунинг имкони бўлмаса, уруғлар Давлат эколог

гия қўмитаси ҳузурдаги «Тоза ҳудуд» ДУК ихтисослаштирилган ташкилотига қайта ишлаш ёхуд чиқиндиларни зарарсизлантириш ёки утилизация қилишга мўлжалланган махсус жойларда йўқ қилиш учун топширилади (ВМнинг 27.10.2014 йилдаги 295-сон қарори билан тасдиқланган Низомга 3-илованинг 6-банди). Ихтисослашган ташкилотдан белгиланган намунадаги утилизация далолатномасини олинг.

Алоҳида статистика ҳисоботини тақдим этишингизга тўғри келиши мумкин (Низомнинг 7-б.). Бунинг статистика органларида аниқлаштириб олинг.

3 Товар табиий йўқотиш меъёридан ортиқ миқдорда яроқсиз ҳолга келганда божхонада тўланган ва аввал ҳисобга олинган ҚҚС суммасига тузатиш киритилади (СК 269-м. 1-қ. 2-б.). Шу боис аввал ҳисобга олинган ҚҚСга тузатишлар киритилиши (қайтарилиши) ҚҚС ҳисоб-китобига (1-илова, АВ томонидан 24.02.2020 йилда 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 3-«Ҳисобга қабул қилинадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисоб-китоби» иловасининг 0132-сарида акс эттирилиши лозим.



4 Мазкур ҳолатда ҳисобдан чиқарилган товарлар таннархини қайтадан куйидагича ажратишингиз лозим:

- товарнинг шартнома қиймати. Шартнома қиймати харажатлар таркибида акс эттирилмайди, сабаби у етказиб берувчидан қарзларни камайтиришга тааллуқлидир (бухгалтерия проводкаларига қаранг);
- божхонада расмийлаштириш харажатлари. Харид қилиш билан боғлиқ харажатлар нормадан ортиқча йўқотишлар сифатида чегирилмайдиган харажатлар таркибида акс этти-

рилади (СК 317-м. 1-б.; 4-сон БҲМСнинг 15-б.).

Тузатиш киритилган ҚҚС суммасини фойда солиғи солиш мақсадларида чегириладиган харажатларга киритиш мумкин деб ҳисоблайман, чунки уни товарлар қийматига киритиб бўлмайди (СК 314-м. 2-қ. 2-б.).

5 Етказиб берувчи билан шартнома бўйича тўлов суммасини яроқсиз ҳолга келган ва утилизация қилинган уруғлар қийматига камайтириш тўғрисида қўшимча битимни имзолаш лозим.

Бухгалтерия проводкалари куйидагича акс эттирилади:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Асос (ҳужжат)	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Яроқсиз ҳолга келган ва утилизация қилинган уруғларнинг шартнома қиймати акс эттирилди	Ихтисослаштирилган ташкилотга яроқсиз ҳолга келган товарларни бериш юкхати (далолатномаси)	6011-«Мол етказиб берувчиларга тўланадиган счётлар (валютада)»	2910-«Омбордаги товарлар»
Импорт қилинган товарнинг таннархидан аввал ҳисобга олинган харажатлар давр харажатларига киритилди (божхона божлари, тартиб-таомиллари, сертификатлаш, декларациялаш ва бошқалар)		9430-«Бошқа операцион харажатлар»	
Импорт бўйича аввал ҳисобга олинган ҚҚС давр харажатларига киритилди	ҚҚС ҳисоб-китоби	9430-«Бошқа операцион харажатлар»	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари (ҳисобга олинган ҚҚС)»
Ихтисослаштирилган ташкилот билан ҳисоб-китоблар акс эттирилди	Шартнома, ЭХФ	9430-«Бошқа операцион харажатлар»	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»

Тузатиш

«Солиқ ва божхона хабарлари» газетасининг 2020 йил 28 январдаги 4 (1328)-сони 12-саҳифасида чоп этилган «Якка тартибдаги тадбиркор катъий белгиланган миқдорда ЖШДСни қандай тўлайди» материалли «Солиқ органини хабардор қилиш» қисмининг иккинчи жумласи куйидагича ўқилсин: «Солиқ органини белгиланган муддатда хабардор қилмаган бўлсангиз, сиз катъий белгиланган миқдордаги солиқ тўловчиси ҳисобланасиз».

«Солиқ ва божхона хабарлари» газетасининг 2020 йил 21 июлдаги 29 (1353)-сони 4-саҳифасида чоп этилган «Асосий воситаларни сотишда солиқлар» материаллининг «Қўшилган қиймат солиғи» қисмининг охири жумласи куйидагича ўқилсин:

«Бунда солиқ базаси сотилаётган АВ объектнинг қолдиқ қийматидан кам бўлмаслиги лозимлиги шарт 1.01.2020 йилдан бошлаб бекор қилинган (СК 248-м. 1-қ.).

РЕКЛАМА

«КОРХОНА ЮРИСТИ»



Электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИ.И.ДА тақдим этамиз.
Тошкент ша. Миробил тумани, Та.л.имаржон йу.7, 99А. Тел. (71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

Ольга БУСАРОВА,
«Norma» МЧЖ эксперти.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

— «Ипотека кредити механизмлари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида».

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:

— «Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат хизматлари марказлари орқали электрон рақамли имзо калитини рўйхатта олиш ва электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш ҳақида» 2018 йил 10 майдаги 348-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»;

— «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлаш мuddатларини ўзгартириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида».

• ИДОРАВИЙ МЕЪЭРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ

— ЎзР ДСҚнинг «Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, аризалар ва билдиришномалар қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ИПОТЕКА КРЕДИТИ МЕХАНИЗМЛАРИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш, ипотека кредити бозорини янада ривожлантириш, хусусий пудрат ташкилотларини уй-жойлар қурилишига кенг жалб қилиш ҳамда уларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги бир ой мuddатда аҳолининг ипотека кредити механизмларидан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтириш, шу жумладан

ипотека кредити бўйича дастлабки бадал миқдорини камайтириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Молия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой мuddатда ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2020 йил 7 декабрь
ПФ-6126-сон.

ЎзР Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги ПФ-6126-сон Фармониغا
ИЛОВА**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҲУЖЖАТЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомил-

лаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5886-сон Фармонида:

*Ушбу Фармон Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 7.12.2020 йилдан кучга кирди.

**Фармонга илова «СБХ»да кўчирмада чоп этилмоқда. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

ТУЗАТИШ

«Солиқ ва божхона хабарлари» газетасининг 2020 йил 15 декабрдаги 50 (1374)-сони ҳужжатлар пакетига берилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг рақами «775» деб ўқилсин.

а) 4-банд бешинчи хатбошисидаги «Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги» ва «икки ва уч хонали» сўзлари тегишичка «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» ва «икки ва ундан кўп хонали» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 9-бандда:

иккинчи хатбоши «2020 йилда» сўзларидан кейин «ҳарбийлар, шу жумладан» сўзлари билан тўлдирилсин;

учинчи хатбошидаги «Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги хузуридаги Урбанизация агентлиги» ва «Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» сўзлари тегишичка «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» ва «Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги «Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4701-сон қарориди:

а) 3-бандда:

биринчи хатбоши «қурилган квартираларни» сўзларидан кейин («мазкур қарорнинг 3'-бандида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно») сўзлари билан тўлдирилсин;

иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларида «2 хонали» сўзлари «1 ва 2 хонали» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) қуйидаги мазмундаги 3'-банд билан тўлдирилсин:

«3'. Хусусий пудрат ташкилотлари томонидан хоналарга бўлинмаган ҳолда қурилган квартираларни сотиб олиш учун берилладиган ипотека кредитларининг чекланган миқдори қуйидаги миқдорларда белгилансин:

Тошкент шаҳрида – умумий майдони 60 метр квадратгача бўлган квартиралар учун – 264 млн сўм, умумий майдони 60 метр квадратдан ортиқ бўлган квартиралар учун – 352 млн сўм;

бошқа ҳудудларда – умумий майдони 60 метр квадратгача бўлган квартиралар учун – 240 млн сўм, умумий майдони 60 метр квадратдан ортиқ бўлган квартиралар учун – 320 млн сўм.

Мазкур банд кўзда тутилган ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва (ёки) фоизларнинг бир қисmini қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар тўланмайди»;

в) 4-банд «20 йилгача» сўзларидан кейин «(йигирманчи йилни ҳам қўшган ҳолда)» сўзлари билан тўлдирилсин;

г) 5-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари «20 йилгача» сўзларидан кейин «(йигирманчи йилни ҳам қўшган ҳолда)» сўзлари билан тўлдирилсин;

д) 6-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«6. Белгилаб қўйилсинки:

мазкур қарорнинг 2–4-бандларида назарда тутилган

тартиб ва шартлар 2022 йил 1 январга қадар амал қилади ва янги тартибга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маблағлари ҳисобидан ажратиладиган ипотека кредитларига нисбатан татбиқ этилади;

мазкур қарорнинг 3-бандининг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган квартираларни сотиб олишга ажратилган ипотека кредитлари бўйича дастлабки бадалнинг бир қисmini тўлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун субсидиялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги томонидан белгиланган уй-жой ҳисобланган қийматининг 10 фоизи миқдорда тўланади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги томонидан 2020 ва 2021 йил учун белгиланадиган уй-жойларнинг ҳисобланган қийматида бир хонали квартиралар ҳам инобатга олинади»;

е) қуйидаги мазмундаги 7'-банд билан тўлдирилсин:

«7'. Фаргона вилояти ҳокимлиги, Марказий банк ва Молия вазирлигининг Фаргона вилоятининг чўл-адир ҳудудларида, истисно тарқасида, 2020–2021 йилларда яқка тартибдаги намунавий уйлар қурилиши тақлифига розилик берилсин. Бунда:

яқка тартибдаги намунавий уй-жойлар қурилиши хусусий пудрат ташкилотларининг ўз маблағлари, тижорат банкларида олинган кредит ва қонун ҳужжатларида таққиланмаган берилшадиган манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

хусусий пудрат ташкилотлари томонидан қурилиш меъёрларига мос, тайёр ҳолда қуриб битказилган яқка тартибдаги намунавий уйларни аҳоли томонидан сотиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тижорат банкларида ажратилган маблағлар ҳисобидан ипотека кредитлари берилди;

яқка тартибдаги намунавий уйлар қурилишини рейтинг баҳоси Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан белгиланадиган даражадан кам бўлмаган қурилиш-пудрат ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Фаргона вилояти ҳокимлиги аҳоли аризалари ва уй-жой бозорини ўрганиш ҳамда аҳолининг ипотека кредитлари бўйича реал тўлов қобилиятини инобатга олган ҳолда яқка тартибдаги намунавий уйларнинг қурилиш ишларини ташкил этсин»;

ж) 10-бандда:

учинчи хатбоши «қоплаш учун» сўзларидан кейин «кредитнинг бутун даври, бироқ кредит олинган кундан бошлаб 24 ойдан ортиқ бўлмаган муддат давомида» сўзлари билан тўлдирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «2-хонали» сўзлари «1 ва 2 хонали» сўзлари билан алмаштирилсин.

РЕКЛАМА

**«СОДИКЛАР:
САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»**

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1.
Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗЛАРИ
ОРҚАЛИ ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО КАЛИТИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ
ВА ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО КАЛИТИНИНГ СЕРТИФИКАТИНИ
БЕРИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШНИНГ МАЪМУРИЙ
РЕГЛАМЕНТИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА» 2018 ЙИЛ 10 МАЙДАГИ 348-СОН
ҚАРОРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА***

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан электрон рақамли имзо калитларидан фойдаланишни кенгайтириш, электрон рақамли имзо калити сертификатини олишни масофадан амалга ошириш имкониятларини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат хизматлари марказлари орқали электрон рақамли имзо калитини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш ҳақида» 2018 йил 10 майдаги 348-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази мобил алоқа операторлари билан биргаликда ахборот хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўрган ҳолда ҳамда «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ 2021 йил 1 июлга қадар босқичма-босқич мобил алоқа абоненти – жисмоний шахс тўғрисидаги маълумотларни унинг шахсий идентификация

рақами бўйича олиш юзасидан Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Янги технологиялар илмий-ахборот маркази ҳамда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан идоралараро электрон ҳамкорлик йўлга қўйилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазир Ж.А.Қўчқоров, адлия вазир Р.Қ.Давлетов ҳамда Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д.Кудбиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир
А.АРИПОВ.**

Тошкент ш.,
2020 йил 7 декабрь
773-сон.

ЎзР ВМнинг 2020 йил 7 декабрдаги 773-сон қарорига
ИЛОВА

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗЛАРИ ОРҚАЛИ
ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО КАЛИТИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО
КАЛИТИНИНГ СЕРТИФИКАТИНИ БЕРИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШНИНГ
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА» 2018 ЙИЛ 10 МАЙДАГИ 348-СОН
ҚАРОРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. Қарорнинг номи қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
«Давлат хизматлари марказлари ёки онлайн тарзда (масофадан туриб) расмий ахборот ресурслари орқали электрон рақамли имзо калитини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш ҳақида».

2. 1-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
«1. Давлат хизматлари марказлари ёки онлайн тарзда (масофадан туриб) расмий ахборот ресурслари орқали электрон рақамли имзо калитини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти иловага мувофиқ тасдиқлансин».

3. Иловада:
а) Маъмурий регламентнинг номи қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Давлат хизматлари марказлари ёки онлайн тарзда (масофадан туриб) расмий ахборот ресурслари орқали электрон рақамли имзо калитини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти»;

б) 1 ва 2-бандларга «Давлат хизматлари марказлари» сўзларидан кейин «ёки онлайн тарзда (масофадан туриб) расмий ахборот ресурслари» сўзлари қўшилсин;

в) 3-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:
«расмий ахборот ресурси – ЭРИ калитларини рўйхатдан ўтказиш ва ЭРИ калитларининг сертификатларини олиш учун жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг раҳбарлари томонидан электрон ҳисоблаш машинаси воситасида ЭРИ ёпиқ калитини яратиш ва сақлаш имкониятини таъминлаб берувчи ваколатли орган расмий веб-сайти»;

г) 5-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:
«ЭРИ калитларининг сертификатларини бериш учун юридик шахслар томонидан йиғим банк ҳисобварақларидан пул кўчириш йўли билан бир қаторда банк карталари орқали нақд пулсиз шаклда тўлов тизими операторлари орқали амалга оширилишига йўл қўйилади. Бунда тўлов тизими операторлари орқали амалга оширилган ҳар бир тўлов Давлат хизматлари марказларининг бириктирилган ҳодимлари томонидан текшириб, қайд қилинади»;

д) 6-бандда:

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 7.12.2020 йилдан кучга кирди.

«а» кичик бандга «ўзи келиб» сўзларидан кейин «ёки расмий ахборот ресурси орқали» сўзлари қўшилсин;

«б» кичик банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«11.25 фоизи – Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобрақамига»;

е) 8-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«8. ЭРИ калитларини рўйхатдан ўтказиш ва ЭРИ калитларининг сертификатларини олиш учун жисмоний шахслар ва юридик шахслар (кейинги ўринларда – мурожаат этувчилар) Давлат хизматлари марказларига бевосита ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – Ягона портал) ёки расмий ахборот ресурси орқали электрон тарзда мурожаат қиладилар.

Бунда Ягона портал ёки расмий ахборот ресурси орқали ЭРИ калитларини рўйхатдан ўтказиш ҳамда ЭРИ калитларининг сертификатларини олиш учун фақат юридик шахсларнинг раҳбарлари мурожаат қилишлари мумкин. Юридик шахсларнинг бошқа вакиллари ЭРИ калитларини ва уларнинг сертификатини олиш учун Давлат хизматлари марказларига бевосита мурожаат қилишга ҳақли.

ЭРИ калитининг сертификатини Давлат хизматлари марказлари, Ягона портал ёки расмий ахборот ресурси орқали олиш ушбу Маъмурий регламентга 1 ва 1а-иловаларга мувофиқ схема бўйича амалга оширилади»;

ж) 9-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Бевосита мурожаат қилинганда Давлат хизматлари маркази ходими мурожаат этувчининг номидан сўровномани тўлдирди»;

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Ягона портал ёки расмий ахборот ресурси орқали мурожаат қилинган ҳолларда мурожаат қилувчи мустақил равишда ушбу Маъмурий регламентга 2-иловага мувофиқ электрон шаклда давлат хизматларидан фойдаланиш тўғрисидаги сўровномани тўлдирди ва сўровномага электрон мурожаат қилувчининг паспорти (ID-карта) нусхаси ҳамда паспортнинг асосий саҳифаси (ID-карта) билан биргаликда селфи услудида олинган фотосурат нусхаси илова қилинади. Бунда илова қилинаётган фотосурат нусхасида мурожаат қилувчи юз қиёфаси тиниқ кўринган ҳамда паспортнинг асосий саҳифаси (ID-карта) барча реквизитлари ўқиб бўладиган сифатда бўлиши шарт»;

иккинчи–бешинчи хатбошилар тегишлича учинчи–олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

з) 10-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«10. Давлат хизматлари маркази ЭРИ калитининг сертификатини бериш тўғрисидаги сўровномани қабул қилганидан сўнг йигирма дақиқа вақт ичида ундаги маълумотларни Давлат хизматлари маркази ходимининг ЭРИ билан тасдиқланган ҳолда ваколатли органнинг ахборот тизимига идоралараро электрон ўзаро боғлианиш йўли билан юборилади.

ЭРИ калитининг сертификатини бериш тўғрисидаги сўровнома Ягона портал ёки расмий ахборот ресурси орқали тушган ҳолларда, бир иш кун ичида ундаги маълумотлар Давлат хизматлари маркази ходимининг ЭРИ билан тасдиқланган ҳолда ваколатли органнинг ахборот тизимига идоралараро электрон ўзаро боғлианиш йўли билан юборилади.

Бунда Давлат хизматлари маркази ходими сўровномани ваколатли органга юборишдан олдин мурожаат қилувчининг шахсини аниқлаш учун қуйидагиларни амалга оширади:

сўровномада кўрсатилган мобил алоқа абонент рақами мурожаат қилувчига тегишлилигини идоралараро маълумотлар алмашиш тизими орқали текширади;

мурожаат қилувчининг паспорти (ID-карта) асосий саҳифасининг ва селфи-фото нусхаси бўйича паспортнинг (ID-картанинг) ҳақиқийлигини идоралараро маълумотлар алмашиш тизими орқали текширади;

мурожаат қилувчининг СТИР орқали ваколатли орган ахборот тизимидаги маълумотларни сўровномадаги маълумотлар билан идоралараро маълумотлар алмашиш тизими орқали солиштирилади»;

и) 12-банддаги «электрон ҳужжат шаклида» сўзларидан кейин «мурожаат қилувчига Ягона портал ёки расмий ахборот ресурси ва» сўзлари қўшилсин;

к) 14-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«ЭРИ калити сертификати Ягона портал ёки расмий ахборот ресурси орқали олинганда, ЭРИ ёпиқ калити эгаси ЭРИ калитининг сертификатини ҳамда чоп этишга мўлжалланган электрон ҳужжат шаклидаги нусхасини Ягона портал ёки расмий ахборот ресурси тизимида тасдиқлаган ҳолда юклаб олади»;

л) 17-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«17. Ваколатли орган томонидан ЭРИ калитининг сертификатини беришни рад этишга қуйидагилар асос бўлиши мумкин:

Э Ў Л О Н

«ЖАВОБ БЕРАМИЗ» ИНФОКИОСКИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ

Солиқ солиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳуқуққа оид мавзулардаги саволларингизга электрон қўллашмалар ва газета материаллари муаллифлари жавоб берадилар.

Жавобларни pogta.uz сайтидаги «Жавоб берамиз» эксперт хизмати электрон ахборот киоскисидан топасиз.

Саволларни қуйидагича бериш мумкин:

✓ аввал pogta.uz сайтида рўйхатдан ўтиб, мурожаатни электрон кўринишда жўнатган ҳолда;

✓ (71) 200-00-59 бевосита алоқа телефони орқали (душанбадан жумагача соат 10.00 дан 17.00 гача).



а) Давлат хизматлари марказларига бевосита мурожаат қилинган ҳолларда:

муурожаат қилувчи тақдим этган сўровномада нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги;

ЭРИ калитининг сертификатини бериш учун тўлов амалга оширилмаганлиги, қонун ҳужжатларида ЭРИ калитларининг сертификатларини бепул олиш назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

муурожаат қилувчининг ҳужжатларни зарур тарзда расмийлаштирмай тақдим этиши;

б) Ягона портал ёки расмий ахборот ресурси орқали электрон тарзда муурожаат қилинган ҳолларда:

муурожаат қилувчининг шахси тасдиқланмаган тақдирда; муурожаат этувчи тақдим этган сўровномада нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги (шу жумладан, сўровномада кўрсатилган мобил алоқа абонент рақами муурожаат қилувчига тегишли эмаслиги);

ЭРИ калитининг сертификатини бериш учун тўлов амалга оширилмаганлиги;

муурожаат этувчининг ҳужжатларни зарур тарзда расмийлаштирмай тақдим этиши.

Бошқа асосларга кўра, шу жумладан, ЭРИ калитининг сертификатини бериш мақсадга мувофиқ эмас деган сабаблар билан рад этишга йўл қўйилмайди;

м) 18-бандга «Ягона портал» сўзларидан кейин «ёки расмий ахборот ресурси» сўзлари қўшилсин;

н) 20-бандда:

«ёки Ягона портал орқали» сўзлари чиқариб ташлансин; қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ягона портал ёки расмий ахборот ресурси орқали муурожаат қилинганда, ЭРИ калити сертификатини беришнинг рад этилишига асос бўлган сабаблар муурожаат қилувчи томонидан бартараф этилган тақдирда, сўровномани қайта кўриб чиқиш Давлат хизматлари марказига бевосита муурожаат қилиш орқали ушбу Маъмурий регламентнинг 10–15-бандларида кўрсатилган тартибда амалга оширилади»;

о) Маъмурий регламентга 1-илова қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Давлат хизматлари марказлари ёки онлайн тарзда (масофадан туриб) расмий ахборот ресурслари орқали электрон рақамли имзо калитини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига
1-ИЛОВА

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗЛАРИ ОРҚАЛИ ДАВЛАТ ВА ХЎЖАЛИК БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ, МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ҲАМДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН КўРСАТИЛАДИГАН БАРЧА ТУРДАГИ ХИЗМАТЛАРДАН ЭРКИН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО КАЛИТИНИНГ СЕРТИФИКАТИНИ БЕРИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КўРСАТИШ СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Муурожаат қилувчи	1. ЭРИ калити сертификатини олиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келган ҳолда муурожаат қилиш; 2. Давлат хизматларини кўрсатиш учун йигимни тўлаш.	1. Хоҳишига кўра 2. Муурожаат қилинганда
2-босқич	Давлат хизматлари маркази	1. Муурожаат қилувчи номидан сўровномани тўлдирish ҳамда ваколатли органга юбориш. 2. Сўровномани ваколатли органга юбориш.	1. 20 дақиқа ичида 2. Автоматик равишда
3-босқич	Ваколатли орган	1. Тақдим этилган маълумотларни кўриб чиқиш. 2. ЭРИ калитларини рўйхатга олиш ва ЭРИ сертификатини расмийлаштириш ёки рад этиш хабарномасини тайёрлаш. 3. ЭРИ калити сертификатини реестрга киритиш, муурожаат қилувчига смс-хабар шаклида ЭРИ калити паролини жўнатиш. 4. Расмийлаштирилган ЭРИ калити сертификатини ёки асосланган сабабларга кўра рад этиш хабарномасини Давлат хизматлари марказига юбориш.	Автоматик равишда
4-босқич	Давлат хизматлари маркази	1. Ваколатли органдан ЭРИ калити сертификатини ёки асосланган сабабларга кўра рад этиш хабарномасини олиш. 2. ЭРИ ёпиқ калити эгаси шахсини аниқлаш, ЭРИ калитларини ва ЭРИ сертификатини ўзга маълумот манбаига ёзиш. 3. Қозғоғ ҳужжат шаклидаги ЭРИ калити сертификатини расмийлаштириш ва ЭРИ ёпиқ калити эгасига бериш ёки асосланган сабабларга кўра рад этиш.	20 дақиқа ичида

»;

п) Қуйидаги мазмундаги 1а-илова қўшилсин:

«Давлат хизматлари марказлари ёки онлайн тарзда (масофадан туриб) расмий ахборот ресурслари орқали электрон рақамли имзо қалитини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзо қалитининг сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига 1а-ИЛОВА

ЯГОНА ПОРТАЛ ЁКИ РАСМИЙ АХБОРОТ РЕСУРСИ ОРҚАЛИ ДАВЛАТ ВА ХЎЖАЛИК БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ, МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ҲАМДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН КўРСАТИЛАДИГАН БАРЧА ТУРДАГИ ХИЗМАТЛАРДАН ЭРКИН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО ҚАЛИТИНИНГ СЕРТИФИКАТИНИ БЕРИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КўРСАТИШ СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Мурожаат қилувчи	1. ЭРИ қалити сертификатини олиш учун сўровномани ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни Ягона портал ёки расмий ахборот ресурси орқали Давлат хизматлари марказига юбориш. 2. Давлат хизматини кўрсатиш учун йигинми тўлаш.	1. Хоҳишига кўра 2. Мурожаат қилинганда
2-босқич	Давлат хизматлари маркази	1. Сўровноманинг тўлиқлиги ва тўғрилигини ҳамда мурожаат қилувчининг шахсини масофадан туриб аниқлаш. 2. Мурожаат этувчи номидан сўровномани тўлдирish ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан биргаликда ваколатли органга юбориш.	1 иш куни ичида
3-босқич	Ваколатли орган	1. Тақдим этилган маълумотларни кўриб чиқиш. 2. ЭРИ қалитларини рўйхатга олиш ва ЭРИ сертификатини расмийлаштириш ёки рад этиш хабарномасини тайёрлаш. 3. ЭРИ қалити сертификатини реестрга киритиш ва смс-хабар шаклида ЭРИ сертификатини олинганлигини тасдиқлаш тўғрисида ахборот жўнатиш. 4. Расмийлаштирилган ЭРИ қалити сертификатини ёки асосланган сабабларга кўра рад этиш хабарномасини Давлат хизматлари марказига ва мурожаат қилувчига юбориш.	Автоматик тарзда
4-босқич	Мурожаат қилувчи	1. Ягона портал ёки расмий ахборот ресурсидаги шахсий кабинетдан ЭРИ қалити сертификатини ёки асосланган сабабларга кўра рад этиш хабарномасини олиш ва олинганлигини тасдиқлаш. 2. ЭРИ қалитининг сертификатини ҳамда чоп этишга мўлжалланган электрон ҳужжат шаклидаги нусхасини юклаб олганлиги ҳақида тасдиқлаган ҳолда ваколатли органи хабардор қилиш.	1 соат ичида

р) 2-илованинг 2-2-2-бандидаги «изох» қисмига қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«ЭРИ қалити сертификати Ягона портал ёки расмий ахборот ресурси орқали олинганда, мурожаат қилувчининг паспорти (ID-карта) нусхаси ҳамда паспортнинг асосий саҳифаси (ID-карта) билан биргаликда «селфи» усулида олинган фотосурат нусхаси илова қилинади».

РЕКЛАМА

ORMA

**«КИЧИК КОРХОНА
ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»**

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1.
Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

6

**СОЛИҚ 4
БОЖХОНА**

www.nrm.uz

№ 51 (1375) = 2020 йил 22 декабрь

СОЛИҚ 4
БОЖХОНА

№ 51 (1375) = 2020 йил 22 декабрь

10

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ СОЛИҚ ТЎЛАШ МУДДАТЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ, шунингдек, солиқ тўловчилар учун солиқ тўловларини амалга оширишда қулайлик яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлаш муддатларини ўзгартириш тартиби тўғрисида низоми иловага мувофиқ тасдиқлансин:

солиқ тўлаш муддатини ўзгартириш бўйича солиқ тўловчилар томонидан мурожаат қилиш тартиби;

солиқ тўлаш муддатини ўзгартириш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарори лойиҳасини тайёрлаш тартиби;

солиқ тўлаш муддатини ўзгартириш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қарор қабул қилиш тартиби.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллий давлат ҳокимия-

ти органлари томонидан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ер солиғи ва ягона ер солиғи бўйича тўлаш муддатини узайтириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» 2019 йил 25 ноябрдаги 951-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазир Ж.А.Кўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д.Кудбиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини
А.АРИПОВ.**

Тошкент ш.,
2020 йил 11 декабрь
776-сон.

ЎзР ВМнинг 2020 йил 11 декабрдаги 776-сон қарорига
ИЛОВА

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ СОЛИҚ ТЎЛАШ МУДДАТЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низома маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан мол-мулк солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва айланмадан олинадиган солиқни (кейинги ўринларда – солиқлар) тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш тартибини белгилайди.

Ушбу Низоمنىнг амал қилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик ва жисмоний шахсларга татбиқ этилади.

2. Ушбу Низомада қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

солиқ қарзи – Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (кейинги ўринларда – Солиқ кодекси) талабларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган (ҳисобланган) ва белгиланган муддатларда тўланмаган солиқларнинг, шу жумладан, улар бўйича бунак ва жорий тўловларнинг суммалари, шунингдек, Солиқ кодексига белгиланган муддатда тўланмаган молиявий санкциялар ва пенялар;

солиқ тўлаш муддатларини ўзгартириш – солиқ тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш орқали солиқ тўлашнинг муддатини кейинроқ муддатга кўчириш; **солиқ тўлашни кечиктириш** – солиқ қарзини бир йўла тўлашни назарда тутган ҳолда солиқ тўлаш муддатини ўзгартириш;

солиқни бўлиб-бўлиб тўлаш – солиқларни тенг улушларда босқичма-босқич тўлашни назарда тутган ҳолда солиқ тўлаш муддатини ўзгартириш;

ваколатли орган – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгаши;

манфаатдор шахс – ушбу Низомада белгиланган солиқ-

ларни тўлаш муддатларини ўзгартириш бўйича мурожаат қилган солиқ тўловчи.

3. Солиқни тўлаш бўйича муддатни ваколатли орган томонидан ўзгартириш имконияти манфаатдор шахсга, башарти унинг молиявий аҳоли ушбу солиқни белгиланган муддатда тўлаш имконини бермасе, бироқ кўрсатилган солиқ тўловчида бундай солиқни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш учун берилган муддат мобайнида тўлаш имконияти юзага келади деб тахмин қилиш учун етарлича асослар (аниқ ҳисоб-китоблар, бажарилган ишлар ва (ёки) кўрсатилган хизматларнинг ҳақини тасдиқловчи ҳужжатлар) мавжуд бўлган тақдирда берилади.

4. Солиқ тўлаш муддатларини ўзгартириш имкониятини бериш Солиқ кодексининг 101-моддаларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Солиқ кодексининг 100-моддасида назарда тутилган асослардан бири мавжуд бўлган манфаатдор шахс томонидан товарлар ёки хизматларни ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш ушбу Низомага 1-иловада келтирилган мавсумий хусусиятга эга бўлган тармоқлар ва фаолият турлари рўйхатида мавжуд бўлганда, солиқ тўлаш муддатларини ўзгартириш имконияти ушбу шахснинг умумий даромадларида унинг мавсумий хусусиятга эга бўлган фаолиятдан (қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ҳамда сақлаш фаолияти ва бошқалар) олинган даромадларининг улуши камида 50 фоизни ташкил этишини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳудудий бошқармаларининг маълумоти асосида тақдим этилади.

5. Солиқ тўлаш муддатларини ўзгартириш имкониятини бериш Солиқ кодексига мувофиқ мол-мулк гарови, кафиллик ёки банк кафолати билан таъминланиши мумкин.

*Ушбу қарор қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 11.12.2020 йилдан кўнча кирди.

2020 ЙИЛНИНГ ДЕКАБРЬ ОЙИ УЧУН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ БАДАЛЛАР ҲИСОБ-КИТОБИ УСЛУБИЯТИ*

Декабрь ойида иш соатлари сони:

5 кунлик (40 соатлик) иш ҳафтасида – 174;
6 кунлик (40 соатлик) иш ҳафтасида – 172;
36 соатлик иш ҳафтасида – 154.

Иш кунлари сони:

5 кунлик иш ҳафтасида – 22;
6 кунлик иш ҳафтасида – 26.

- Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган жисмоний шахсларнинг барча даромадларига (дивидендлар ва фоизлар кўринишидаги даромадлардан ташқари) 12%лик ставка бўйича солиқ солинади (Солиқ кодексининг 381-моддаси).
- 2019 йил 1 сентябрдан меҳнатга оид муносабатлар соҳасида қўллаш учун ЭКИХ ўрнига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (МҲЭKM) жорий этилди. 2020 йил январь ойида МҲЭKM 634 880 сўмни (3.12.2019 йилдаги УРҚ-586-сон Қонуннинг 41-моддаси; 21.05.2019 йилдаги ПФ-5723-сон Фармоннинг 1-банди), 1 февралдан – 679 330 сўмни (30.12.2019 йилдаги ПҚ-4555-сон қарорнинг 7-банди) ташкил этади.
- 2020 йилда фуқароларнинг ШЖБПҲга мажбурий ойлик бадаллари ставкаси ходимга ҳисобланган иш ҳақи (даромад) солиқ солинадиган суммасининг 0,1%ини ташкил этади (26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086-сон қарорнинг 5-банди).
- Ҳисоблаб чиқарилган ЖШДС суммаси жисмоний шахсларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган мажбурий ойлик бадаллар суммасига камайтирилади (Солиқ кодексининг 385-моддаси 7-қисми).

I. АНЪАНАВИЙ ҲИСОБ-КИТОБ

Ходимга январь ойида 1 100 000 сўм, февраль-декабрь ойларида эса – 1 170 000 сўмдан иш ҳақи тўланган.
Январь-декабрь ойларида жами даромади – 13 970 000 сўм (1 100 000 + 1 170 000 x 11).

Олинган даромадга 12%лик ставка бўйича солинадиган солиқ:
13 970 000 x 12% = 1 676 400 сўмга тенг.

Январь-ноябрь ойларида 1 536 000 сўм ушлаб қўлинган. Декабрь ойи учун солиқ суммаси 140 400 сўмга (1 676 400 – 1 536 000) тенг.
Январь-декабрь ойлари учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммаси 13 970 сўмни (13 970 000 x 0,1%) ташкил қилади.
Январь-ноябрь ойлари учун ШЖБПҲга 12 800 сўм ўтказилган, декабрь ойи учун ажратмалар 1 170 сўмни (13 970 – 12 800) ташкил этади.

Декабрь ойи учун бюджетга 139 230 сўм (140 400 – 1 170) ўтказилади.

ЖШДС ва мажбурий бадаллар ушланганидан кейин ходимга 1 029 600 сўм (1 170 000 – 140 400) тўланади.

*Жисмоний шахсларнинг даромадидан олинadиган солиқ ва бошқа мажбурий бадалларнинг ҳисоб-китоби услубияти январь ойи учун «СБХ»нинг 28.01.2020 йилдаги 4 (1328)-сонда, февраль ойи учун 25.02.2020 йилдаги 8 (1332)-сонда, март ойи учун 24.03.2020 йилдаги 12 (1336)-сонда, апрель ойи учун 21.04.2020 йилдаги 16 (1340)-сонда, май ойи учун 26.05.2020 йилдаги 21 (1345)-сонда, июнь ойи учун 23.06.2020 йилдаги 25 (1349)-сонда, июль ойи учун 21.07.2020 йилдаги 26 (1353)-сонда, август ойи учун 18.08.2020 йилдаги 33 (1357)-сонда, сентябрь ойи учун 22.09.2020 йилдаги 38 (1362)-сонда, октябрь ойи учун 20.10.2020 йилдаги 42 (1366)-сонда, ноябрь ойи учун 17.11.2020 йилдаги 46 (1370)-сонда чоп этилган.

II. ИМТИЁЗЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА

1-ВАЗИЯТ

Даромаддан МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг сумма чиқариб ташланадиган имтиёз қўлланилган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби

Солиқ кодексининг 380-моддасига мувофиқ имтиёзга эга бўлган ходимнинг меҳнатига январь ойида 1 800 000 сўм, февраль-декабрь ойларида эса – 1 920 000 сўмдан ҳақ тўланган. Январь-декабрь ойлари учун жами даромад – 22 920 000 сўм ($1\ 800\ 000 + 1\ 920\ 000 \times 11$).

□ Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмига мувофиқ ушбу имтиёзга эга бўлган фуқароларнинг (масалан, 16 ёшдан ошмаган икки ва ундан ортиқ болалари бўлган ёлғиз оналар) жами даромадидан ҳар ойда МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг сумма чиқариб ташланади.

Солиқ солинадиган даромадни ҳисоб-китоб қиламиз:

$22\ 920\ 000 - (634\ 880 \times 1,41 + 679\ 330 \times 1,41 \times 11) = 11\ 488\ 410,9$ сўмга тенг.

Январь-декабрь ойлари учун солиқни ҳисоблаб ёзамиз:

$11\ 488\ 410,9 \times 12\% = 1\ 378\ 609,31$ сўм.

Январь-ноябрь ойларида 1 263 151,94 сўм солиқ ушлаб қўлинган. Декабрь ойи учун солиқ суммаси 115 457,37 сўмга ($1\ 378\ 609,31 - 1\ 263\ 151,94$) тенг.

Январь-декабрь ойлари учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар 11 488,41 сўмини ($11\ 488\ 410,9 \times 0,1\%$) ташкил қилади.

Январь-ноябрь ойларида ШЖБПҲга 10 526,27 сўм ўтказилган, декабрь ойи учун ажратмалар 962,14 сўмини ($11\ 488,41 - 10\ 526,27$) ташкил қилади.

Бюджетга 114 495,23 сўм ($115\ 457,37 - 962,14$) ЖШДС ўтказилади.

Ходим қўлига 1 804 542,63 сўм ($1\ 920\ 000 - 115\ 457,37$) иш ҳақи олади.

2-ВАЗИЯТ

Даромад имтиёз суммасидан кам бўлганда ЖШДС ҳисоб-китоби

Солиқ кодексининг 380-моддасига мувофиқ имтиёзга эга бўлган ходимнинг меҳнатига январь ойида 800 000 сўм, февраль-декабрь ойларида эса – 850 000 сўмдан ҳақ тўланган. Январь-декабрь ойлари учун жами даромад – 10 150 000 сўм.

□ Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмига мувофиқ ушбу имтиёзга эга бўлган фуқароларнинг (масалан, 16 ёшдан ошмаган икки ва ундан ортиқ болалари бўлган ёлғиз оналар) жами даромадидан ҳар ойда МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг сумма чиқариб ташланади.

Январь-декабрь ойлари учун солиқ солинмайдиган даромад миқдорини ҳисоблаймиз:

$(634\ 880 \times 1,41) + (679\ 330 \times 1,41 \times 11) = 11\ 431\ 589,1$ сўм.

Ходимнинг даромади (10 150 000 сўм) имтиёз суммасидан (11 431 589,1 сўм) кам бўлганлиги сабабли январь-декабрь ойлари учун солиқ ҳисобланмайди.

Солиқ солинадиган даромад мавжуд бўлмаганлиги учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар тўланмайди.

Ходим қўлига 850 000 сўм иш ҳақи олади.

3-ВАЗИЯТ

Моддий ёрдам олинганда имтиёзни ҳисобга олган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби

Ходимнинг меҳнатига январь ойи учун 1 400 000 сўм, февраль-декабрь ойларида эса 1 500 000 сўмдан ҳақ тўланган. Январь ойида унга фарзандли бўлганлиги муносабати билан 2 800 000 сўм моддий ёрдам кўрсатишган.

□ Солиқ кодексининг 378-моддаси 1-бандига кўра бир йил давомида МҲЭКМнинг 4,22 бараваригача миқдорда бериладиган куйидаги моддий ёрдам суммаларига: вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган тўловлар; ходимга меҳнатда майиб бўлганлик, касб касаллиги ёхуд соғлиққа бошқача шикаст етганлиги билан боғлиқ тўловлар; бола туғилиши, ходим ёки унинг фарзандлари никоҳдан ўтиши муносабати билан бериладиган тўловлар; қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини бериш ёки уларни сотиб олиш учун маблағлар бериш тарзидаги тўловларга ЖШДС солинмайди.

□ Президентнинг «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (27.04.2020 йилдаги ПФ-5986-сон) билан 2020 йилда ходимга тўланадиган, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигига тортилмайдиган моддий ёрдам суммаси меҳнатта ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 4,22 бараваридан 7,5 бараваригача оширилади (2-банд).

Имтиёз миқдорини ҳисоблаймиз:

$679\ 330 \times 7,5 = 5\ 094\ 975$ сўм.

Моддий ёрдам суммаси – 2 800 000 сўмга ЖШДС солинмайди.

Тегишинча, солиқ солинадиган даромад 17 900 000 сўмга ($1\ 400\ 000 + (1\ 500\ 000 \times 11)$) тенг.

Январь-декабрь ойлари учун солиқ 2 148 000 сўми (17 900 000 x 12%) ташкил этади.

Январь-ноябрь ойларида 1 968 000 сўм солиқ ушлаб қолинган. Декабрь ойида солиқ суммаси 180 000 сўми (2 148 000 – 1 968 000) ташкил этади.

ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммаси 17 900 сўми (17 900 000 x 0,1%) ташкил этади.

Январь-ноябрь ойларида ШЖБПҲга ажратмалар 16 400 сўми, декабрь ойида 1 500 сўми (17 900 – 16 400) ташкил этади.

Декабрь ойи учун бюджетга 178 500 сўм (180 000 – 1 500) ЖШДС ўтказилади.

Ходим 1 320 000 сўм (1 500 000 – 180 000) иш ҳақи олади.

4-ВАЗИЯТ

Қимматбаҳо совға олинганда имтиёзни ҳисобга олган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби

Ходимнинг меҳнатига январь ойида 1 500 000 сўм, февраль-декабрь ойларида эса 1 600 000 сўмдан иш ҳақи тўланган. Унга январь ойида 2 000 000 сўмлик маиший техника совға қилинган.

□ Солиқ кодексининг 378-моддаси 10-бандига кўра бир йил мобайнида юридик шахслардан МҲЭКМнинг 2,11 баравари миқдоригача бўлган суммада олинган совғаларнинг қийматига солиқ солинмайди (679 330 x 2,11 = 1 433 386,3 сўм).

Солиқ солинадиган даромад 19 666 613,7 сўмга (1 500 000 + 2 000 000 – 1 433 386,3 + 1 600 000 x 11) тенг.

Январь-декабрь ойлари учун солиқни ҳисоблаб ёзамиз:

19 666 613,7 x 12% = 2 359 933,64 сўм.

Январь-ноябрь ойларида 2 179 248,38 сўм солиқ ушлаб қолинган. Декабрь ойида солиқ суммаси 180 745,26 сўми (2 359 933,64 – 2 179 248,38) ташкил этади.

Январь-декабрь ойлари учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммаси 19 666,61 сўмга (19 666 613,7 x 0,1%) тенг.

Январь-ноябрь ойларида ШЖБПҲга ўтказиладиган ажратмалар 18 160,4 сўми, декабрь ойида 1 506,21 сўми (19 666,61 – 18 160,4) ташкил этади.

Декабрь ойида бюджетга 179 239,05 сўм (180 745,26 – 1 506,21) ЖШДС ўтказилади.

Ходим қўлига 1 419 254,74 сўм (1 600 000 – 180 745,26) иш ҳақи олади.



5-ВАЗИЯТ

Бир нечта имтиёзни ҳисобга олган ҳолда (ҳар ойда даромаддан МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг суммани чегириш, моддий ёрдам ва қимматбаҳо совға олинганда) ЖШДС ҳисоб-китоби

Солиқ кодексининг 380-моддасига кўра имтиёзга ҳақли бўлган ходимга январь ойида 1 500 000 сўм, февраль-декабрь ойларида эса 1 600 000 сўмдан иш ҳақи тўланган. Январь ойида унга никоҳдан ўтishi муносабати билан 3 000 000 сўм моддий ёрдам кўрсатилган ва 2 000 000 сўмлик қийматга эга совға топширилган.

Куйидагиларга мувофиқ:

□ Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмига мувофиқ имтиёз олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимнинг солиқ солинадиган даромадидан ҳар ойда МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг сумма (634 880 x 1,41 + 679 330 x 1,41 x 11 = 11 431 589,1 сўм) чиқариб ташланади;

□ Солиқ кодексининг 378-моддаси 1-бандига мувофиқ МҲЭКМнинг 4,22 бараваригача миқдорда бериладиган моддий ёрдам суммасига ЖШДС солинмайди. 2020 йилда ушбу миқдор МҲЭКМнинг 7,5 бараваригача (679 330 x 7,5 = 5 094 975 сўм) оширилган (ПФ-5986-сон Фармоннинг 2-банди). Шу боис жами ёрдам суммаси – 3 000 000 сўмга имтиёз қўлланилади.

□ Солиқ кодексининг 378-моддаси 10-бандига кўра юридик шахслардан бир йил мобайнида МҲЭКМнинг 2,11 баравари (679 330 x 2,11 = 1 433 386,3 сўм) миқдоригача олинган совғаларнинг қийматига ЖШДС солинмайди.

Солиқ солинадиган даромадни аниқлаймиз:

19 100 000 – 11 431 589,1 + 2 000 000 – 1 433 386,3 = 8 235 024,6 сўм.

Январь-декабрь ойлари учун солиқни ҳисоб-китоб қиламиз:

8 235 024,6 x 12% = 988 202,95 сўм.

Январь-ноябрь ойларида 922 400,33 сўм солиқ ушлаб қолинган. Декабрь ойида солиқ суммаси 65 802,62 сўми (988 202,95 – 922 400,33) ташкил этади.

ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммаси 8 235,02 сўми (8 235 024,6 x 0,1%) ташкил этади.

Январь-ноябрь ойларида ШЖБПҲга ўтказиладиган ажратмалар 7 686,67 сўми, декабрь ойида 548,35 сўми (8 235,02 – 7 686,67) ташкил этади.

Бюджетга 65 254,27 сўм (65 802,62 – 548,35) солиқ ўтказилади.

Ходим қўлига 1 534 197,38 сўм (1 600 000 – 65 802,62) олади.

III. ОДАТДАН ТАШҚАРИ ҲОЛАТЛАР

1-ВАЗИЯТ

Ўриндош ходим даромадларидан ЖШДС ҳисоб-китоби

Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмида назарда тутилган имтиёзга эга ўриндош ходимга январь ойида 800 000 сўм, февраль-декабрь ойларида эса 850 000 сўмдан иш ҳақи тўланган.

□ Солиқ имтиёзини қўллаш солиқ тўловчининг асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи бўйича, асосий иш жойи мавжуд бўлмаган тақдирда эса - яшаш жойидаги солиқ органлари томонидан жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқни ҳисоблаб чиқариш чоғида амалга оширилади (Солиқ кодексининг 380-моддаси 5-қисми).

Январь-декабрь ойлари учун солиқни ҳисоб-китоб қиламиз:

$10\ 150\ 000 \times 12\% = 1\ 218\ 000$ сўмга тенг. Январь-ноябрь ойларида 1 116 000 сўм солиқ ушлаб қолинган. Декабрь ойи учун солиқ суммаси 102 000 сўмга ($1\ 218\ 000 - 1\ 116\ 000$) тенг.

Январь-декабрь ойлари учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар 10 150 сўмни ($10\ 150\ 000 \times 0,1\%$) ташкил этади.

Январь-ноябрь ойларида ШЖБПҲга ўтказиладиган ажратмалар 9 300 сўмни, декабрь ойида эса 850 сўмни ($10\ 150 - 9\ 300$) ташкил этган.

Декабрь ойи учун бюджетга 101 150 сўм ($102\ 000 - 850$) солиқ ўтказилади.

Солиқ ушланганидан кейин ходим 748 000 сўм ($850\ 000 - 102\ 000$) иш ҳақи олади.

2-ВАЗИЯТ

Юридик шахсга турар жойни ижарага берувчи ходимнинг даромадларидан ЖШДС ҳисоб-китоби

Ходимнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромади январь ойи учун 1 100 000 сўмни, февраль-декабрь ойлари учун эса 1 200 000 сўмни ташкил этган. Ходим Тошкент шаҳрида жойлашган, майдони 50 кв.м бўлган турар жой биносини 1 январдан бошлаб ижарага бериш тўғрисида иш берувчи билан шартнома тузди ва ҳар ойда 1 500 000 сўм ижара ҳақи олди.

□ Жисмоний шахсларнинг турар жойни ижарага топширишдан оладиган даромадларига солиқ солиш ижара (ёллаш) шартномасида назарда тутилган тўловдан келиб чиқиб амалга оширилади, бироқ у турар жойни ижарага берадиган жисмоний шахслар учун белгиланган энг кам ижара ҳақи ставкаларидан ҳисоблаб чиқарилган миқдордан кам бўлмаслиги керак (9.12.2019 йилдаги ЎРҚ-589-сон Қонунга 12-илова).

□ Тошкент шаҳрида бир ойлик ижара тўловининг энг кам миқдори этиб 1 кв.м турар жой учун 12 000 сўм; Нукус ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарларда – 7 500 сўм; бошқа аҳоли пунктларида – 3 500 сўм белгиланган.

□ ШЖБПҲга бадаллар иш берувчи ва ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома бўйича бажарилган ишлар учун олинган даромадлардан ҳисоблаб ёзилади. Ижара ҳақи тарзидаги даромадлар мулкий даромад бўлганлиги ва ишлар бажариш билан боғлиқ бўлмаганлиги боис, ундан ШЖБПҲга ажратмалар қилинмайди.

2020 йил 1 июлдан 2020 йил 31 декабргача бўлган даврда:

□ жисмоний шахслар кўчмас мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлардан солиқ тўлашдан озод этилади;

□ солиқ солиш мақсадларида мол-мулкни (бино ва автомобиль транспортини) ижарага берадиган жисмоний шахслар учун энг кам ижара тўловини қўллаш тартиби тўхтатиб турилади (20.07.2020 йилдаги ПФ-6029-сон Фармоннинг 1-банди «а» кичик банди).

Декабрь ойи учун ижара тўловидан ЖШДС тўланмайди.

Январь-декабрь ойлари учун меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромаддан солиқни ҳисоблаймиз:

$14\ 300\ 000 \times 12\% = 1\ 716\ 000$ сўм.

Январь-ноябрь ойларида 1 572 000 сўм солиқ ушлаб қолинган. Декабрь ойи учун солиқ суммаси 144 000 сўмга ($1\ 716\ 000 - 1\ 572\ 000$) тенг.

ШЖБПҲга мажбурий бадаллар 14 300 сўмни ($14\ 300\ 000 \times 0,1\%$) ташкил этади.

Январь-ноябрь ойларида ШЖБПҲга ўтказиладиган ажратмалар 13 100 сўмни, декабрь ойи учун 1 200 ($14\ 300 - 13\ 100$) ташкил этади.

Декабрь ойи учун бюджетга 142 800 сўм солиқ ($144\ 000 - 1\ 200$) ўтказилади.

Солиқ ушлаб қолинганидан кейин ходимга 2 556 000 сўм иш ҳақи ($1\ 200\ 000 + 1\ 500\ 000 - 144\ 000$) тўланади.



Ҳисоб-китоб услубиятини экспертизимиз Муҳиддин ЗАЙНУДДИНОВ тайёрлади.

6. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан солиқ тўлаш мuddатларини ўзгартириш имкониятини бериш ушбу Низомга 2-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-БОБ. СОЛИҚ ТЎЛАШ МУDDАТЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ ИМКОНИЯТИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ

7. Солиқ тўлаш мuddатларини ўзгартириш имконияти ваколатли органнинг қарори асосида бериллади.

8. Манфаатдор шахс томонидан солиқ солиш объекти жойлашган жой бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига (кейинги ўринларда – ҳокимликлар) солиқ тўлаш мuddатларини ўзгартириш имкониятини бериш тўғрисида ушбу Низомга 3.1-3.2-иловаларга** мувофиқ шакл бўйича тақдим этилган қоғоз ёки электрон шаклдаги ариза ҳамда Солиқ кодексининг 101-моддасига мувофиқ илова қилинган зарур ҳужжатлар ваколатли органнинг қарори (кейинги ўринларда – қарор) лойиҳасини тайёрлаш учун асос ҳисобланади.

Бунда манфаатдор шахслар томонидан электрон шаклдаги аризалар уларнинг «шахсий кабинети» орқали тақдим этилади.

9. Ҳокимликлар манфаатдор шахснинг аризаси олинган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида тақдим этилган ҳужжатларнинг асослигини ўрганиб чиқиб, солиқ тўлаш мuddатларини ўзгартириш имкониятини бериш ёхуд уни беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лойиҳасини ваколатли органга кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритади.

10. Ваколатли орган солиқларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш ёхуд уни беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лойиҳаси киритилган кундан эътиборан ўттиз кун мобайнида қарорни қабул қилади.

Қарор ваколатли органнинг раҳбари (раиси) томонидан имзоланади.

Бунда қарорда солиқ тўлаш мuddатларини ўзгартириш имкониятини бериш назарда тутилган тақдирда:

кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилаётган солиқ тури (турлари);

қарз суммаси;

кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилаётган солиқ тури (турлари) бўйича мuddат;

қарз суммасини ва ҳисобланган фоизларни тўлаш тартиби ҳамда мuddатларини ўзда акс эттирган қарорнинг нуسخаси ҳокимликлар томонидан манфаатдор шахс ҳисобда турган жойдаги солиқ органига ва манфаатдор шахсга ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш куни мобайнида юборилади.

Қарорда солиқ тўлаш мuddатларини ўзгартириш имкониятини бериш рад этилиши назарда тутилган тақдирда, ҳокимликлар ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан

бир иш куни мобайнида асосланган рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда қабул қилинган қарор тўғрисида манфаатдор шахсини ёзма равишда хабардор қилади.

11. Солиқ тўлаш мuddатларини ўзгартириш имкониятини бериш ёки рад этиш тўғрисидаги қарорга мувофиқ солиқ органи томонидан қарор олинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида манфаатдор шахснинг шахсий қарточкасида ёзув киритилади ва икки томонлама далолатнома тузилади.

12. Солиқ тўлаш мuddатларини ўзгартириш имкониятини беришдан фойдаланганлик учун фоизларни ҳисоблаб чиқариш пеняни ҳисоблаш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади ва манфаатдор шахснинг шахсий қарточкасида кечиктирилган солиқлар учун ҳисобланган фоизлар сифатида акс эттирилади.

13. Қарор ушбу қарорда белгиланган кундан эътиборан кучга киради. Бунда солиқни тўлаш учун белгиланган кундан эътиборан ушбу қарор кучга кирадиган кунга қадар бўлган бутун вақт учун тегишли пенялар, агар тўловнинг кўрсатилган мuddати ушбу қарор кучга кирадиган кундан олдин бўлса, қарз суммасига киритилади.

Агар солиқ тўлаш мuddатларини ўзгартириш имконияти мол-мулк гарови авазига бериладиган бўлса, уни бериш тўғрисидаги қарор фақат Солиқ кодексига назарда тутилган тартибда мол-мулк гарови тўғрисидаги шартнома тузилгандан кейин кучга киради.

14. Манфаатдор шахсларга солиқ тўлаш мuddатларини ўзгартириш имконияти:

жорий йил давомида солиқ аудити ўтказилмаган ҳолда таъминлаш чораларисиз;

солиқ органлари томонидан қамарал назорат ўтказилгандан қўшимча солиқ ҳисобланган ҳолда таъминлаш чоралари (мулк гарови, кафилик ёки банк кафолати) асосида берилди.

3-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

15. Солиқ тўлаш мuddатларини ўзгартириш имкониятини бериш бўйича солиқлар суммалари ўз вақтида тўланишини назорат қилиш манфаатдор шахс давлат рўйхатидан ўтган ёки солиқ тўловчи сифатида ҳисобда турган давлат солиқ инспекцияси томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

16. Давлат солиқ хизмати органлари ҳокимликлар томонидан тақдим этилган солиқ тўлаш мuddатларини ўзгартириш тўғрисидаги ахборотлар асосида алоҳида электрон шаклда ҳисобот юритади.

17. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

18. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлаш мuddатларини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги низомга 1-ИЛОВА

МАВСУМИЙ ХУСУСИЯТГА ЭГА БЎЛГАН ТАРМОҚЛАР ВА ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ РЎЙХАТИ

1. Қишлоқ ҳўжалиги тармоғи:
қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлаш фаолияти;
қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатиш фаолияти.

2. Балиқчилик саноати тармоғи:
балиқ ва бошқа денгиз жониворлари ва маҳсулотларини оловчи ҳамда уларнинг хом ашёларини қайта ишловчи корхоналар – балиқпазлик ва балиқ консервалари комбинатлари ва корхоналари, балиқ саноати музхоналари, балиқ уни ва

**Низомга 3.1-3.2-иловалар «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Нотта» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

мойи заводлари, балиқ овловчи хўжаликлар ва балиқларни ҳаво кемаларида қидирувчи хизматлар фаолияти.

3. Қурилиш материаллари sanoati тармоғи:
пиширилган ва силикатли ғишлар, сопол блоклар ва панеллар, ғишдан блок ва панеллар, сопол черепицалар ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти;

уячали ва зич силикатли бетондан йирик блоклар ишлаб чиқарувчи, йирик ва майда деворбоп бетон блоклар, шлак-бетон блоклар, табиий тош блоклар (чиғаноқтош, туф ва бошқалар) ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти;

оҳак ва доломит кукунни, майдаланган гипс хом ашёси ва озуқабоп бўр ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти.

4. Ёғ-пишлоқ ва сут sanoati (сут консерваларини ишлаб чиқаришсиз) тармоғи:

музқаймоқ ишлаб чиқариш фаолияти.

5. Пиво ишлаб чиқариш тармоғи:

пиво ва солод ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти.

6. Вино маҳсулотларини ишлаб чиқариш sanoati тармоғи:

узумдан вино ишлаб чиқариш фаолияти.

7. Пахта тозалаш sanoati тармоғи:

пахта тозаларини тайёрлаш ва йиғириш фаолияти.

8. Азот sanoati тармоғи:

ўғитлар ва азотли бирикмалар ишлаб чиқариш фаолияти.

9. Соғломлаштириш ва дам олиш муассасалари тармоғи:
болалар оромгоҳлари, дам олиш уйлари, даволаш фаолияти билан шуғулланмайдиган пансионатлар ва бошқа дам олиш муассасалари фаолияти.

10. Иссиқлик таъминоти тармоғи:

коммунал-маиший ва аҳолининг иссиқликка бўлган эҳтиёжи бўйича иссиқлик тақсимлаш тармоқлари ва иссиқлик таъминоти бўйича фаолият юритувчи ташкилотлар.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлаш муддатларини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН
СОЛИҚ ТЎЛАШ МУДДАТЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ ИМКОНИАТИНИ БЕРИШ
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-Босқич	Манфаатдор шахс	Мол-мулк солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ тўлаш муддатларини ўзгартириш имкониятини бериш учун қозғоқ ёки электрон шаклда солиқ солиш объекти жойлашган жой бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ариза беради.	Заруратга кўра
2-Босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	1. Аризани ва унга илова қилинган ҳужжатларни Низом талабларига мувофиқ кўриб чиқади ва ваколатли орган қарори лойиҳасини тайёрлайди. 2. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят халқ депутатлари Кенгаши ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашига қарор лойиҳасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритади.	Манфаатдор шахснинг аризаси тушган кундан бошлаб беш иш кунини мобайнида
3-Босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят халқ депутатлари Кенгаши ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгаши	Солиқ тўлаш муддатларини ўзгартириш имкониятини бериш ёхуд уни беришни рад этиш бўйича қарор қабул қилади	Солиқ тўлаш муддатларини ўзгартириш ёхуд уни беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лойиҳаси киритилган кундан эътиборан ўттиз кун мобайнида
4-Босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	1. Солиқ тўлаш муддатларини ўзгартириш имкониятини бериш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси ушбу шахс ҳисобда турган жойдаги солиқ органи ва манфаатдор шахсга юборилади. 2. Солиқ тўлаш муддатларини ўзгартириш имкониятини бериш рад этилиши назарда тутилган тақдирда, асосланган рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда қабул қилинган қарор тўғрисида манфаатдор шахсни ёзма равишда хабардор қилади.	Қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч иш кунини мобайнида Қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш кунини мобайнида

**«ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ ТАДБИРКОРЛИК
СУБЪЕКТЛАРИДАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ, СОЛИҚЛАР,
МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР ВА ДАРОМАДЛАР ТЎҒРИСИДАГИ
ДЕКЛАРАЦИЯЛАР БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАР,
АРИЗАЛАР ВА БИЛДИРИШНОМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИБ
ОЛИШ ҲАМДА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА НИЗОМНИ
ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА»ГИ ҚАРОР, ШУНИНГДЕК, УНГА ЎЗГАРТИРИШ ВА
ҚЎШИМЧАЛАРНИ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ТОПИШ ТЎҒРИСИДА***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди,
рўйхат рақами 1500-5

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги
ЎРҚ-599-сон «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига
ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига
мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
қарор қилади:

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага
мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан
кучга кирadi.

Раис
Ш.КУДБИЕВ.

Тошкент ш.,
2020 йил 24 ноябрь
2020-43-сон.

ЎЗР ДСҚнинг 2020 йил 24 ноябрдаги 2020-43-сон қарорига
ИЛОВА

**ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ТОПИЛАЁТГАН ИДОРАВИЙ
НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг
2005 йил 10 июлдаги 2005-42-сон «Давлат солиқ хизмати
органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот,
солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги
декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, аризалар ва билди-
ришномалар қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғ-
рисида низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами
1500, 2005 йил 29 июль) («Ўзбекистон Республикаси қонун
ҳужжатлари тўплами», 2005 йил, 30-31-сон, 238-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг
2008 йил 19 октябрдаги 2008-42-сон «Давлат солиқ хизмати
органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот,
солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги
декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва
билдиришномалар қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўт-
казиш тўғрисидаги низомага ўзгартириш киритиш ҳақида»ги
қарори (рўйхат рақами 1500-1, 2008 йил 4 ноябрь) («Ўзбе-
кистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил,
44-45-сон, 448-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг
2012 йил 10 октябрдаги 2012-29-сон «Давлат солиқ хизмати
органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот,
солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги
декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва
билдиришномалар қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўт-

казиш тўғрисида низоมนинг 3-бандига ўзгартириш киритиш
ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1500-2, 2012 йил 9 ноябрь)
 («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»,
2012 йил, 45-сон, 520-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг
2015 йил 5 октябрдаги 2015-31-сон «Давлат солиқ хизмати
органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот,
солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги
декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва
билдиришномаларни қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан
ўтказиш тўғрисида низомага қўшимчалар киритиш ҳақида»ги
қарори (рўйхат рақами 1500-3, 2015 йил 8 октябрь) («Ўзбе-
кистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2015 йил
40-сон, 524-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг
2017 йил 26 декабрдаги 2017-75-сон «Давлат солиқ хизмати
органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот,
солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги
декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва
билдиришномаларни қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан
ўтказиш тўғрисида низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарор-
га ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат
рақами 1500-4, 2018 йил 8 январь) (Қонун ҳужжатлари
маълумотлари миллий базаси, 09.01.2018 й., 10/18/1500-
4/0527-сон).

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 4.12.2020 йилдан кучга кирди.

РЕКЛАМА

Ўзбекистон Республикаси
қонунчилиги

www.norma.uz

10

СОЛИҚ ВА
БОЖХОНА
ТАСАВУФИ

www.nrm.uz

№ 51 (1375) • 2020 йил 22 декабрь

ОММАВИЙ ОФЕРТА

1. Кейинги ўринларда Нашриёт деб юритиладиган «ToPrint» МЧЖ «Norma» иқтисодий-ҳуқуқий нашриёти мазкур таклиф билан қуйида таклиф қилинаётган шартларни тўлиқ ва сўзсиз қабул қилишни маълум қиладиган жисмоний ёки юридик шахс (*кейинги ўринларда – Обуначи*) билан **мазкур оммавий оферта шартларига мувофиқ 2021 йил учун обуна шартномасини** (*кейинги ўринларда – Шартнома*) тузишга тайёр эканлигини билдиради. Нашриёт ва Обуначи кейинги ўринларда биргаликда Тарафлар деб номланади.

2. Обуначи мазкур Шартнома шартларини қабул қилган тақдирда, унинг ҳолосида келтирилган шакл бўйича тўлдирилган ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланган буюртманома-акцептни (*кейинги ўринларда – Акцепт*) жўнатиш йўли билан мазкур оммавий оферта шартлари бўйича обуна бўлишга розилиги ҳақида Нашриётни хабардор қилади. Акцептнинг барча устунлари тўлиқ, қисқартирилмас, аниқ-равшан, босма ҳарфлар билан тўлдирилиши керак. Акцепт (71) 200-00-30, (90) 174-29-81, (78) 147-11-72 факслари орқали жўнатилиши ёки Нашриётга Тошкент ш., Навоий кўч., 22-уй, 1-2-хонадон манзили бўйича келтириб берилиши мумкин.

Факсимил ёзишмалар юридик кучга эга.

3. Нашриёт 2021 йил учун Акцептда кўрсатилган нашрларга обуна қилиш мажбуриятини, Обуначи эса уни расмийлаштириш ва тўлаш мажбуриятини олади.

4. Мазкур Шартнома Нашриёт Акцептни олган вақтдан бошлаб тузилган ҳисобланади ва кучга киради ҳамда Тарафлар томонидан унинг шартлари тўлиқ бажарилгунга қадар амал қилади.

5. Обуначи обуна қийматини мазкур Шартнома шартларига мувофиқ 2021 йил 31 январдан кечиктирмай тўлаши шарт.

6. Обуна қийматини тўлаш шартлари: Обуначи томонидан Нашриёт ҳисоб рақамига пул маблағларини (Акцептга биноан белгиланадиган тўловнинг умумий суммасини) ўтказиш йўли билан юз фоиз (100%) олдидан тўланиши. Тўлов Нашриёт кассасига нақд пул билан ёки пластик карта орқали амалга оширилиши мумкин.

7. Нашриёт унинг ҳисоб рақамига мазкур Шартноманинг 5 ва 6-бандлари шартлари билан назарда тутилган тартибда пул маблағлари келиб тушганидан кейин, Нашриётда Обуначидан келган Акцепт мавжуд бўлганида, мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга киришади.

8. Нашриёт почта бўлимлари орқали ёки электрон усулда Обуначига у томонидан Акцептда мазкур шартноманинг 3-бандига мувофиқ қайд этилган нашрларни электрон китобнинг навбатдаги сони чиқиши билан кўрсатилган манзил бўйича етказиб беришни ташкил қилади.

9. Нашрлар ўз вақтида ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда, Обуначи бу ҳақда Нашриётни хабардор қилиши шарт.

10. Етказиб бериш манзили ўзгарган тақдирда, Обуначи 10 (ўн) календарь кунидан кечиктирмай бу ҳақда Нашриётни хабардор қилиши шарт.

11. Акцепт мuddати 2021 йил 31 январгача қилиб белгиланади. Агар Нашриёт томонидан Акцепт ва пул маблағлари ушбу мuddатдан кечроқ олинган бўлса, Шартнома тузилмаган деб ҳисобланади, Тарафларда у бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзага келмайди. Бундай ҳолда пул маблағлари Обуначига қайтарилади.

12. Шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

13. Обуначи томонидан Акцептда унинг манзили нотўғри кўрсатилганлиги сабабли нашрларни етказиб бериш юзасидан Шартнома шартлари бажарилмаганлиги учун Нашриёт Обуначи олдида жавобгар бўлмайди.

14. Обуначи томонидан мазкур Шартноманинг 5-бандида кўрсатилган тўлов мuddатига риоя қилинмаган тақдирда, Нашриёт Обуначибилан келишмасдан обуна қийматини ўзгартириш ҳуқуқига эга.

15. Тарафлар Шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, агар бу Шартнома тузилганидан кейин, Тарафлар олдидан кўра олмаган, оқилона чоралар билан олдини ололмаган фавқулодда туздаги воқеалар натижасида ениб бўлмас куч ҳолатлари (форс-мажор) юз бериши оқибатида вужудга келган бўлса, жавобгар бўлмайдилар.

16. Форс-мажор ҳолатларининг юз берганлиги тўғрисида Тарафлар бир-бирларини улар юз берган лайдан бошлаб 5 (беш) кун мобайнида хабардор қилишлари керак.

17. Мазкур Шартномани бажариш чоғида вужудга келадиган барча низо ва келишмовчиликларни Тарафлар музокаралар йўли билан, шу жумладан талабнома юбориш йўли билан ҳал этадилар. Келишувга эришилмаган тақдирда, низо Нашриёт жойлашган ердаги тегишли судга топширилади.

18. Мазкур оммавий офертада қайд этилмаган шартлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

19. НАШРИЁТ РЕКВИЗИТЛАРИ:

«ToPrint» МЧЖ

100105, Тошкент ш., Таллимаржон кўч., 1/1

Обуна бўлими: 100011, Тошкент ш.,

Навоий кўч., 22-уй, 1-хонадон.

Ҳ/р: 2020 8000 5046 9857 8001

«Капитал банк» АТИБ

Тошкент шаҳар филиали, Банк коди: 00445

СТИР 206 957 405; ИФУТ 58110

Тел./факс: (71) 200-00-30, (90) 174-29-81, (78) 147-11-72.

М.Мелибаев,
«ToPrint» МЧЖ
директору.

БУЮРТМАНОМА-АКЦЕПТ

2020 йил « _____ » _____

1. _____

(Обуначининг таъсис ҳужжатлари ёки давлат рўйхатидан ўтганлик гувоҳномасига мувофиқ ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ номи)

асосида амал қилувчи

(ҳужжат (таъсис шартномаси, устав, низом ва б., ишончнома)

тимсолида,

(Обуначи ваколатли вакилининг Ф.И.Ш. (тўлиқ), унинг лавозими)

«Солиқ ва божхона хабарлари» газетасининг 2020 йил 22 декабрдаги 51 (1375)-сонида эълон қилинган оммавий оферта шартларини тўлиқ ва сўзсиз қабул қилиши тўғрисида маълум қилади ҳамда 2021 йил учун қуйидаги наشرларга обуна бўлади:

Нашр индекси	Нашр номи	Етказиб бериш билан 2021 йилга обуна нархи (сўм)	Нусхалар сони (дона)	Умумий сумма (сўм)
809	«Нога-бухгалтер» электрон кутубхонаси, йилига 4 та чиқарилиш: «Годовой отчет-2020» («Йиллик ҳисобот-2020», рус тилида) 2021 йилда солиқ қонунчилиги (Ўзбек-рус тилларида) «Все об НДС» («Ҳаммаси ҚҚС ҳақида», рус тилида) 2021 йилда меҳнат қонунчилиги (Ўзбек-рус тилларида)	320 000		

2. Тўланиши керак бўлган умумий сумма: _____ сўм (ҚҚСсиз).

(рақамлар ва ёзув билан кўрсатилсин)

3. Етказиб бериш учун манзил (босма ҳарфлар билан аниқ қилиб тўлдирилади):

Почта индекси							

Минтақа /Вилоят _____, шаҳар/туман, _____

(шаҳарча, хўжалик, қишлоқ, кўча, даҳа, мавзё, уй, кв., хона)

Мўлжал _____

4. Боглиниш учун телефон: _____

5. Алоқа богловчи шахс: _____

(Ф.И.Ш.)

Обуначи реқвизитлари:

СТИР _____

ИФУТ _____

Почта манзили _____

Телефон _____

Факс _____

Х/р _____

Хизмат кўрсатувчи банк _____

Банк коди _____

(ваколатли мансабдор шахс имзоси, тўлиқ фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

М.Ў.

? Корхона айланмадан олиннадиган солиқни тўлайди, 4 та фаолият тури билан шугулланади. Онлайн-НКМни 2 990 000 сўмга олди, «Янги технологиялар» ИАМ» ДУКга фискал модуль учун 223 000 сўм тўлади. Шунингдек техник хизмат кўрсатиш марказига бир йилда бир марта 550 000 сўм ўтказилиши керак. Айланмадан олиннадиган солиқ ҳисоб-китоби шаклида имтиёзлар НКМ харид қилишда барча фаолият турлари учун умумий солиқ суммасига қўлланилади.

1. Онлайн-НКМни инвентарь сифатида кирим қилишда фискал модуль учун харажат унинг қийматига киритиладими? Бу қандай бухгалтерия ўтказмаси билан акс эттирилади? Бухгалтерия ҳисобида Техник хизмат кўрсатиш марказига техник хизматлар учун қилинган тўлов қандай ҳисобдан чиқарилади?

2. Бухгалтерия ҳисобида НКМни харид қилиш чоғидаги имтиёз суммасини корхонанинг таъминотига кўра асосий фаолият тури бўйича айланмадан олиннадиган солиқдан ёки барча фаолият турлари бўйича тушум суммасига ёки солиқ суммасига мутаносиб равишда ҳисобдан чиқариш мумкинми?

ОНЛАЙН-НКМ ХАРАЖАТЛАРИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

1 Фискал модуль – ДСК ҳузуридаги «Янги технологиялар» ИАМ» ДУК томонидан ишлаб чиқилган, махсус химояланган дастурий таъминотга эга бўлган, ўзи уланган қурилманинг ҳисоблаш қуввати ва дастурий махсусотиини ишлатмаган ҳолда фискал маълумотларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда миллий стандартлар асосида криптографик химоясини таъминловчи фискал хотира вазифасини бажарувчи ихтисослаштирилган физик қурилма (*Низомнинг 2-б. 5-хатбоҳисси, ВМнинг 23.11.2019 йилдаги 943-сон қарорига 1-шлова*).

Фискал модуль билан таъминланганлик ва «Янги технологиялар» ИАМ» ДУК томонидан хизматлар кўрсатилганлиги учун тадбиркорлик субъектларидан бир йилда бир марта 1 БҲМ миқдоридан тўлов ундирилади (*Низомнинг 55-б.*).

Бошқача қилиб айтганда, корхона фискал модулни 1 БҲМга (ҳозир-

да 223 000 сўм) сотиб олиб, онлайн-НКМни ишлатишда фойдаланиладиган дастурий махсуслотга, шунингдек, махсуслотни ўзида сакловчи қурилмага эга бўлади. Кейинчалик корхона томонидан фискал модульдан фойдаланганлик учун ҳар йили 1 БҲМ тўланади. Қурилма хотираси тўлиб қолганда, «Янги технологиялар» ИАМ» ДУК уни янгисига алмаштириб беради.

Бинобарин, фискал модуль қиймати корхона харажатларига олиб борилади. Сиз уни бир йўла битта сумма билан ёки бир йил давомида қисмларга бўлиб ҳисобдан чиқаришингиз мумкин. Фискал модуль товарларни (хизматларни) реализация қилишда фойдаланилганлиги сабабли унинг қийматини сотиш харажатларига (9410-счёт) ҳисобдан чиқариш тўғри бўлади (*ВМнинг 5.02.1999 йилдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 2.1.2.18-б.*).

Бухгалтерия ўтказмалари куйидагича бўлади:

Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Дебет	Кредит
Сумма бир йўла ҳисобдан чиқарилганда		
Фискал модуль харид қилинди	9410-«Сотиш харажатлари»	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»
Сумма бир йил мобайнида ҳар ойда ҳисобдан чиқариб бориладиганда		
Фискал модуль харид қилинди	3190-«Бошқа келгуси давр харажатлари»	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»
Унинг нархи харажатларга ҳисобдан чиқарилди (ойма-ой)	9410-«Сотиш харажатлари»	3190-«Бошқа келгуси давр харажатлари»

Техник хизматлар кўрсатиш маркази томонидан онлайн-НКМга техник хизмат кўрсатилишига оид харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби ҳам худди шундай тарзда амалга оширилади.

2 Онлайн-НКМдан фойдаланишга ўтганда, корхона 2021 йил 1 январга қадар онлайн-НКМни солиқ органларида рўйхатга қўйилса, тўланиши лозим бўлган айланмадан олиннадиган солиқ суммасини уни харид қилиш, ўрнатиш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатлар суммасига, лекин БҲМнинг 10 бараваридан ошмаган миқдорда камайтиришни мумкин бўлади (*6.09.2019 йилдаги ПФ-5813-сон Фармоннинг 3-б. «а» қисми б.*). Имтиёз солиқ базасини эмас, балки солиқ суммасини камайтириш тарзида берилган. Бирок ҳисобот шакллари ушбу имтиёзга акс эттириш учун мўлжалланмаган. ДСКнинг расмий Телеграмм-каналида берилган тушунтиришга мувофиқ имтиёздан

фойдаланиш мумкин, бунда Айланмадан олиннадиган солиқ ҳисоб-китоби 2-«Солиқ солинадиган жами даромадни камайтириш» иловасининг 030-сатри тўлдирлади (*АВда 2020 йил 24 февралда 3221-сон билан рўйхатга олинган қарорга 9-шлова*).

Бирок буларнинг ҳаммаси имтиёзни қўллаган ҳолда солиқ ҳисоботи шаклини тўлдирish учунгина қилинади. Бухгалтерия ҳисобида имтиёз бундай тарзда ҳисобланмайди. Сиз солиқни ҳисоблашингиз, камайтириладиган суммани чегириб ташлашингиз, натижада бюджетга тўлаш учун қолган суммага куйидаги бухгалтерия ўтказмасини беришингиз лозим:

• Дт 9820-«Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича харажатлар»

• Кт 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)».

Азизахон ТОШХҲЖАЕВА,
«Норта» МЧЖ эксперти.

ОНЛАЙН-НКМга ўТИШНИ ЙИЛ ОХИРИГА ҚАДАР ЯҚУНЛАГАН МАЪҚУЛ

Онлайн-НКМга ўтувчилар учун имтиёзнинг амал қилиш муддати 2021 йил 1 январда тугайди (*6.09.2019 йилдаги ПФ-5813-сон Фармон*). Шу боис ушбу масалани тезроқ ҳал қилиш учун қандай ҳаракат қилиш кераклиги ҳақида *buxgalter.uz* шарҳидан билиб оласиз.

Имтиёз тадбиркорнинг онлайн-НКМни харид қилиш ва ўрнатиш бўйича харажатларини сезиларли даражада қисқартиришга, айрим моделлар ёки фискал хотирали НКМни модернизация қилиш варианты танланганда моддий харажатларни умуман четлаб ўтишга имконият яратлади.

Сиз онлайн-НКМни харид қилишингиз ёки мавжудларини модернизация қилдиришингиз, ишга туширишингиз лозим, кейин эса ҳисобланган ва тўланиши лозим бўлган солиқларни ҳар бир онлайн-НКМни харид қилиш, ўрнатиш, ишга тушириш харажатлари суммасига, бироқ 10 БҲМдан ошмаган миқдорда камайтиришингиз керак.

Буни куйидаги тартибда акс эттиришингиз мумкин:

• сиз фойда солиғи тўловчиси бўлсангиз – Фойда солиғи ҳисоб-китобининг 101-сатрида;

• сиз айланмадан олиннадиган солиқни тўловчи бўлсангиз – Айланмадан олиннадиган солиқ ҳисоб-китобининг 0901-сатрида.

Сиз қатъий белгиланган миқдорда ЖШДС тўлайдиган бўлсангиз, солиқ органига имтиёз тақдим этишларини сўраб ариза беринг. Аризада онлайн-НКМ харид қилиш ва ишга тушириш харажатларини кўрсатиш, унга тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиш, шунингдек имтиёздан фойдаланиш учун солиқ тўламайдиган даврингизни кўрсатиш.

ДСК матбуот хизмати *buxgalter.uz* сўрови бўйича куйидагича тушунтириш берди: 6.09.2019 йилдаги ПФ-5813-сон Фармонга мувофиқ 2021 йил 1 январга қадар онлайн-НКМни давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказиш имтиёзини қўллашнинг муҳим шarti ҳисобланади.

Йил охирига қадар онлайн-НКМга ўтмаган тадбиркор имтиёздан фойдаланишга улгуриши мумкин. Бирок бунга ҳаракатни бутун-эрта бошлаб юбориш лозим.

Имтиёз виртуал кассага ўтадиганларга татбиқ этилмаслигига эътибор беринг. Қандай техникани – онлайн-НКМ ёки виртуал кассани қўллашни ўзингиз танланг.

Buxgalter.uz онлайн-НКМга ўтишни куйидаги макбул ва тезкор режасини таклиф этмоқда:

1 Онлайн-НКМ реестридан ўзингизга маъқул келадиган вариантни танланг. Реестрда ишлаб чиқарувчиларнинг (импорт қилувчиларнинг) сайтлари ва телефон рақамлари, ҳар бир модель бўйича қўшимча маълумотни қаердан олиш мумкинлиги, шунингдек сиз танлаган модель билан шугулланадиган техник хизмат таъминоти марказларининг телефон рақамларини қандай аниқлаштириб олиш кўрсатилган. Барча ТХМ муайян моделга ихтисослашган бўлиб, у ерда ушбу моделни сотиб олиш мумкин.

2 ТХМга қўнғироқ қилинг ҳамда улардан яқин атрофингизда жойлашган ҳамкор ташкилотларини ёки вакилларнинг манзилини аниқлаштириб олинг. Бу муҳим, сабаби барча бош ТХМ пойтахтда жойлашган бўлади, барча худудлар бўйича эса уларнинг ҳамкорлари фаолият юритади.

3 ТХМ вакили билан ўзингизнинг ўтиш режангизни муҳокама қилиб олинг ҳамда узоғи билан бир ҳафта ичида онлайн-НКМга ўтиш ишларини яқунлаш учун сиздан нималар талаб этилишини сўраб-суриштиринг. Вакил ҳузурида:

• онлайн-НКМни сотиб олишга (модернизация қилишга) доир шартномани ҳамда техник хизмат кўрсатиш шартномасини тузинг;

• фискал модуль ва унга хизмат кўрсатилиши учун 1 БҲМ миқдоридан ҳақ тўлаш мақсадида фискал маълумотлар оператори (ФМО) реквизицларини аниқлаштириб олинг.

4 Шу куннинг ўзидаяқ тузилган шартномалар бўйича тўловни ҳамда фискал маълумотлар операторига 1 БҲМни тўланг. Вақтдан ютиш учун кўп мартали тўлов тизимидан фойдаланинг. Счётлар бўйича тўловларни тўлаганингиздан кейин ТХМдаги устага қўнғироқ қилинг ва сиз томондан барча тўловлар амалга оширилгани ҳақида хабар беринг. Муддат охирига бораётганини эслатиб қўйишни унутманг.

5 Онлайн-НКМни олишга борадиган ташкилотингиз вакилида ишончнома бўлиши керак.

6 Сизга тегишли солиқ тўловчининг шахсий кабинетига онлайн-НКМ солиқ органларида ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги хабар келган онданок қурилма билан ишлашни бошлашингиз мумкин.

7 Сўнгра, онлайн-НКМ ишга тушгач, фискал хотирали эски аппаратни ҳисобдан чиқаришни унутманг. Буни тезроқ амалга ошириш лозим.

Онлайн-НКМ реестрида сиз фойдаланадиган фискал хотирали НКМ марказидаги НКМни топсангиз, сиздаги назорат-касса машинасини онлайн-НКМга модернизация қилиш мумкин бўлади.

Онлайн-НКМга ўтишни мураккаблаштирадиган ёки орта сурадиган сизга боғлиқ бўлмаган куйидаги омиллар ҳам мавжудлигини инобатга олинг:

• ТХМдаги устанинг юқори даражадаги иш юкмаси. Мазкур ҳолатда у билан келишиб олиш ёки бошқа иши қилроқ устага мурожаат қилиш лозим;

• оморда фойдаланишга тайёр онлайн-НКМ мавжуд эмаслиги. Мазкур ҳолатда бошқа моделни танлаш ёки танлаган моделнингизни кутишга тўғри келади.

Олег ГАЕВОЙ.

Фойдаланишдаги ашёларнинг жойи омбордами?

Ҳисоб юритишда мудом ўз долзарблигини йўқотмай келадиган хатолар бўлади. Улардан бири – ишлаб чиқаришда жалб қилинган инвентарни омборда нотўғри ҳисобга олиш.

Бу ҳақда «TRI-S-Audit» МЧЖ директори Светлана ГОЛОСОВА батафсил гапириб берди:

– Қанчадан буён ишлаётган бўлсам ҳам вазият ўзгармайди: айтайлик, омбордан насос олиниб, ундан ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланилади, лекин ҳисобда унинг омбордан олинганлиги ҳақида ҳеч қандай белги қўйилмайди. Яъни ходим насосни олади, фойдаланади, қайтариб жойига ҳам қўяди, биль-акс бу ҳаракатларнинг бирортаси тўғрисида белги қўйилмайди... Бундай йўл тутиш тўғри эмас. Омбордан ашё фойдаланиш учун олинди, демак, у 4-сон БҲМС – «Товар-моддий захираларга» (АВ рақами 3259, 30.06.2020 й.) асосан ундан қанчалик узок фойдаланишлари ва қайси бинода сақлашларидан катъи назар, омбордан ҳисобдан чиқарилиши керак. Фойдаланиб бўлингандан кейин, агар у ишлаб чиқаришда бошқа зарур бўлмаса, уни яна омборга кирим қилиш мумкин.

Моддий жавобгар шахсни алмаштиришни ҳам унутмаслик зарур. Бундай пайтларда моддий жавобгарлик омбор мудиридан бошқа моддий жавобгар шахсга ўтади ва – аксинча. Бундай алмашишни ҳисоб журналларида мажбурий тартибда қайд этиш лозим.

Агар ушбу қоидаларга риоя қилинмаса, ҳар қандай

инвентарлаш ёки текширувда бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ва – омборда ҳақиқатда мавжуд бўлган ТМҚни қайта санашда олинган маълумотлар ўртасида тафовут юзага келади.

Нотўғри расмийлаштирилган ТМҚ ҳар қандай назорат қилувчи органда саволлар туғдиради, у айбдорни аниқлаш ва уни тегишли жаримага тортишга ҳаракат қилади. Агар инвентарь омбордан ҳисобдан чиқарилмаган бўлса ва бунда у фойдаланишда бўлса, омборда – камомад мавжудлиги келиб чиқади. Агар инвентарь омбордан ҳисобдан чиқарилган бўлса, ундан фойдаланиб бўлгандан сўнг келаси галгача омборга сақлашга қўйилган бўлса, бироқ кирим қилинмаган бўлса, демак ҳисобга олинмаган ашё пайдо бўлган. Ва бошқа барча эҳтимоллий вариациялар...

Албатта, инвентарлаш пироваридида ҳаммасини жой-жойига қўйиш, тўғри ҳисобни йўлга қўйиш учун зарурдир. Бироқ, қоидага қўра, бу ҳолларда муҳокама қилиш асабузарликларсиз кечмайди. Шу боис, муаммоларнинг олдини олиш учун омбор ва бошқа ишчи бинолар ўртасида мудом муоамала бўлиб турадиган ТМҚ ҳисобига эътиборлироқ бўлиш лозим.

Ҳар йилги инвентаризация, одатда, кўп вақт ва кучни талаб этади. Уни ўтказишга шай бўлиш учун қадамма-қадам йўриқномамиздан фойдаланинг.

ИНВЕНТАРИЗАЦИЯГА ТАЙЁРЛАНАМИЗ

1 Корхона раҳбари инвентаризацияни ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқариб, унда инвентаризация комиссиясини тайинлайди ва инвентаризация режасини тасдиқлайди. Ҳар қандай режани тасдиқлаш учун, уни кимдир тузиши керак...

Шу боис дастлаб инвентаризация комиссияси аъзолари белгиланади. Улар бир-галликда инвентаризацияни ўтказиш режасини тайёрлашади, унда қуйидагиларни кўрсатадилар:

- инвентаризация ҳудуди;
- кўрсатилган ҳудудда қайта санашни ўтказадиган ходимлар (санок комиссияси);
- ҳар бир кўрсатилган ҳудудда қайта санашни ўтказишнинг муваққат ҳақлари.


Шундан кейин эса корхона раҳбари буйруқ чиқаради ва шу буйруқ билан ҳам комиссия таркибини, ҳам у томондан тузилган инвентаризацияни ўтказиш режасини тасдиқлайди.

2 Инвентаризация комиссияси товар-моддий қимматликларни инвентаризация рўйхатларини тайёрлайди.

3 Комиссия раиси моддий жавобгар шахслардан инвентаризацияни бошланишига товарга барча чиким ва кирим ҳужжатлари бухгалтерияга топширилганлиги ёки комиссияга берилганлиги ва уларнинг жавобгарлиги остида келиб тушган барча ТМҚ кирим қилинганлиги, чиқиб кетганлари эса ҳаражатларга ҳисобдан чиқарилганлиги юзасидан тилхат олади.

4 Инвентаризация комиссияси буйруқ билан қайта санашни ўтказиш ва ТМҚнинг инвентаризация рўйхатларини тўлдириб бўйича ишчи (санок) комиссиясига тайинланган ходимларга йўл-йўриқ кўрсатади.

5 Инвентаризация бошланишидан олдин:



а) артикул/штрих коди/номий билан максимал равишда тўлиқ номенклатура маълумотнома-жадвални электрон шаклда шакллантириш зарур. Ушбу рўйхат омборда бўлган барча ТМҚни ўз ичига олиши керак;

б) инвентаризация бошланишидан бир кун олдин товар-моддий қимматликларини тайёрлаш зарур:

• уни идентификация қилиш учун зарур яхши ўқиладиган кодлар, ишлаб чиқарувчи артикуллари борасида омборда ТМҚни текшириш;

• маркировка ёки ёмон ўқиладиган штрих коди товарларни маркировка қилиш;

• стеллажлар орасидаги ўтиш йўлини бўшатиш. Улар ходимларнинг, юк ортувчининг ўтиши, зиналар ўрнатиш ва бошқалар учун имкон бериши керак;

• штрих коднинг ҳақиқатда ТМҚ артикулига тўғри келишини таъминлаш зарур;

• ТМҚни қайта санаш вақтида омбор биносидagi бўш жойларга жойлаштириш ёки қутиларга тўплаган маъқул;

в) инвентаризацияга жалб қилинган ходимлар ва уларнинг автотранспортини объектга киришини таъминлаш ва рухсатнома расмийлаштириш зарур;

г) инвентаризациянинг бошланиши ва уни ўтказиш вақтида ишга жалб қилинган омбор ходимларининг ҳозир бўлишини таъминлаш, ходимларнинг вазифаларини тақсимлаш зарур;

д) омбор ходимлари инвентаризация комиссияси аъзоларига инвентарланиши лозим бўлган ТМҚ артикуллари бўйича маслаҳатлар беришлари, инвентаризация жараёнида туғилдиган саволлар бўйича дарҳол ахборот тақдим этишлари шарт;

е) қайта санашни бошлаш вақтида объектда зиналар, бўш қутилар ва бошқа техник инвентарь, шу жумладан товарнинг олдида бориш учун бошқа ёрдамчи маҳсус техника билан таъминлаш зарур.

6 Қайта санашдан кейин комиссия ТМҚни инвентаризация рўйхатлари тўғри тўлдирилганлигини текширади. Агар эътирозлар бўлмаса, маълумотлар инвентаризацияга ишлов бериш дастурига киритилади. Агар камомад аниқланса, санок ва инвентаризация комиссиялари аъзолари бир-галликда ТМҚни қайта санаб чиқишади.

7 Инвентаризация комиссияси инвентаризация бўйича барча ҳужжатларни кейинчалик ишлов бериш учун корхона бухгалтериясига беради.

8 Инвентаризация натижалари ва бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ўртасида тафовут бўлган тақдирда бухгалтерия ходимлари инвентаризация натижаларини назорат текшируви ташаббуси билан чиқишлари мумкин.

Татьяна ЛИМАРЕВА.




КОДНИ БЕЛГИЛАНГ ВА РЎЙХАТ БИЛАН СОЛИШТИРИНГ

? *Курилишда ишлатиладиган фронтал автоюк ортгичга имтиёзлар назарда тутилганми? Автоюк ортгич – бу автотранспорти ёки йўқми?*

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солигидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатининг (АВ рақами 2436, 20.03.2013 й.) 25-бандида «Паншахасимон илгакли ортгичлар; юк кўтаргич ёки юк ортиш юк тушириш мосламалари билан жиҳозланган юк ортгичлар» (ТИФ ТН код – 8427) кўрсатилган. Ўз мурожаатингизда сиз автоюк ортгичнинг ТИФ ТН кодидини кўрсатмагансиз, шунинг учун аввало шунини аниқлаб олинг; ана шундан сўнг сиз сўраётган товарга нисбатан имтиёз назарда тутилганми-йўқми ва у қандай талқин қилинишини аниқ билиб олса бўлади.

Малакали ёрдам сўраб божхона брокерига ёки божхона органига махсус сўров билан мурожаат қилиш мумкин. Мазкур орган товарни таснифлаш бўйича дастлабки қарорни чиқариб беради. Бундай тартиб-таомил Божхона кодексининг 52-бобида назарда тутилган.

Шуни эътиборга олиш керакки, ВМнинг «Ўзбекистон Республикасида ўхшаши ишлаб чиқарилмайдиган четдан олиб кириладиган технологик асбоб-ускуналарга божхона божи ва қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар бериш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (27.11.2020 йилдаги 750-сон) билан амалдаги Рўйхат қайта кўриб чиқилиши ва 2021 йилнинг 1 январига қадар у янгидан шакллантирилиши бўйича топшириқ берилган. Рўйхат 2017–2019 йилларда импорт қилинган технологик асбоб-ускуналарнинг номенклатурасини ва уларнинг ўхшаши мамлакатда ишлаб чиқарилиши мавжудлигини ўрганиш натижалари асосида янгидан ишлаб чиқилади. Янгиланган рўйхатда 10 та рақамдан иборат ТИФ ТН коди (ҳозирда айрим позициялар бўйича 4, 6 ва 9 та рақамли кодлар кўрсатилган, тахр. изоҳи) ва асосий параметрлари кўрсатилади.



ЭКСПОРТ ЧОҒИДА БОЖХОНА БАҲОЛАШИ

– Экспорт қилинадиган товарларнинг божхона қийматини аниқлаш Божхона кодексининг 315–317-моддалари билан тартибга солинади.

Олиб чиқиладиган товарнинг божхона қиймати у экспортга сотилганда амалда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган битимнинг баҳоси асосида аниқланади.

Божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган товарнинг маълум қилинган божхона қийматини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, бундай қиймат божхона органида мавжуд бўлган айнан бир хил ёки ўхшаш товарларга оид маълумотлар асосида аниқланади.

Илгари олиб кирилган товарларни ўзгармас ҳолатда божхона ҳудудидан олиб чиқишда божхона қиймати товарнинг у олиб кирилган пайтдаги божхона қийматининг ҳамда божхона ҳудудидан қилинган харажатларнинг йиғиндисига сифатида аниқланади. У, шу жумладан, божхона расмийлаштируви ва божхона тўловларини тўлаш (товарлар реэкспорт қилиниши муносабати билан қайтарилиши керак бўлган тўловларни чегирган ҳолда), товарларни сақлаш, сўғурталаш учун қилинган харажатларнинг, бошқа харажатларнинг йиғиндисига сифатида ҳам аниқланади.

Олиб чиқиладиган товарнинг маълум қилинган божхона қийматини аниқлаш тўғри эканлигини тасдиқловчи маълумотлар мавжуд бўлмаган ёхуд тақдим этилган маълумотларни нотўғри ёки етарли эмас деб тахмин қилиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда божхона органи божхона қийматини мустақил равишда белгилайди. Божхона органи декларантнинг ёзма аризасига кўра унга олиб чиқиладиган товарнинг маълум қилинган божхона қиймати органи томонидан қабул қилинмаганлигининг сабаблари кўрсатилган ёзма тушунтириш бериши шарт.

Божхона ҳудудидан олиб чиқилётган товарнинг божхона қийматини аниқлашда божхона органи баҳоланаётган, айнан бир хил ва (ёки) ўхшаш товарларни сотиш шартларининг мумкин қадар таққослана олинишини таъминлаши керак. Бу, шу жумладан, қуйидаги кўрсаткичлар бўйича таъминланади: импорт амалга оширилаётган мамлакат ёки географик минтақа; олиб чиқиладиган товарларнинг микдори; сотувнинг тижорат шартлари, шу жумладан бозор конъюктураси (асосан хом ашё товарларини экспорт қилишда. Бунда сотиб олувчининг барча сарф-харажатларини харажатларнинг божхона қийматида киритиш нуктаи назаридан ҳисобга олиш лозим.

Божхона органи кўриб чиқилаётган битим шартларидан ҳамда божхона ва валютага оид қонун ҳужжатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, декларант томонидан маълум қилинган, божхона қийматини тасдиқлайдиган ва (ёки) аниқлаштирадиган зарур ҳужжатларнинг декларант томонидан тақдим этилиш муддатини белгилайди. Улар тақдим этилганидан кейин маълум қилинган божхона қийматига тузатишлар киритилади.

Бундай ҳисоб-китобларни ўтказиш мумкин бўлмаган тақдирда, олиб чиқиладиган товарнинг божхона қийматини шартли баҳолаш божхона органининг ихтиёрида мавжуд бўлган нархлар тўғрисидаги тегишли ахборот асосида амалга оширилиши мумкин.

Бироқ божхона қиймати олиб чиқилаётган товарга доир битимнинг қиймати асосида қуйидаги ҳолларда аниқланиши мумкин эмас, агар:

• контрактда битимнинг қиймати таъсир кўрсатган чекловлар ва (ёки) шартлар мавжуд бўлса;

• таъсирини ҳисобга олиш мумкин бўлмаган шартларга риоя этилишига сотиш ва битимнинг қиймати боғлиқ бўлса;

• битим иштирокчилари ўзаро боғлиқ шахслар бўлса ва бу омилнинг битим қийматида таъсирини қиймат тарзида ифодалаш мумкин бўлмаса;

• божхона қийматини маълум қилишда декларант ёки божхона брокери томонидан фойдаланилган маълумотлар ҳужжатлар билан тасдиқланмаган ёхуд нотўғри бўлса.

Олиб чиқиладиган товарнинг божхона қийматини аниқлашда битимнинг баҳосига қуйидаги харажатлар киритилади, агар бу харажатлар битимнинг баҳосига киритилмаган бўлса:

а) товарни божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган жойгача етказиб бериш харажатлари;

• транспортда ташиш қиймати;

• товарларни юклаш, тушириш, қайта юклаш ва тушириш-ортиш харажатлари;

• сўғурталаш қиймати;

б) сотувчи томонидан қилинган харажатлар:

• воситачилик ва брокерлик ҳақи, бундан товарни харид қилиш бўйича воситачилик ҳақи мустасно;

• контейнерларнинг ва (ёки) бошқа кўп марта ишлатиладиган идишларнинг қиймати, агар ЎзР ТИФ ТНга мувофиқ уларга баҳоланаётган товар билан бир бутун деб қаралса;

• ўров-жойлашнинг қиймати, шу жумладан ўраш-жойлаш материалларининг ва ўраш-жойлаш ишларининг қиймати;

в) интеллектуал мулк объектларидан фойдаланганлик учун сотиб олувчи баҳоланаётган товарни сотиш шартлари сифатида бевосита ёки билвосита тўлаши керак бўлган лицензия тўловлари ва бошқа тўловлар;

г) сотувчининг баҳоланаётган товарни кейинчалик божхона ҳудудидан ташқарида ҳар қандай тарзда қайта сотиш, ўтказиш ёки ундан фойдаланишдан олинган бевосита ёки билвосита даромадининг бир қисми.

Маълумот учун. Агар контрактда (шартномада, келишувда) қатъий белгилаб қўйилган нархлар мавжуд бўлмаса ва фақат товарнинг узил-кесил нархини белгилаш шартлари акс эттирилган бўлса ёхуд контракт (шартнома, келишув) шартларига мувофиқ узил-кесил нарх сотиб олувчи томонидан товарни миқдор ва сифат бўйича қабул қилиб олиш натижаларига кўра аниқланса, олиб чиқилаётган товарнинг божхона қиймати муваққат (шартли) баҳони ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Декларант ёки божхона брокери ўзида мавжуд бўлган, божхона қийматининг муваққат (шартли) баҳоси ҳолис эканлигини таъминлайдиган ҳужжатларни тақдим этишига ҳақли. Муваққат (шартли) баҳо учун асос сифатида контрактда қайд этилган дастлабки нарх ёки уни ҳисоб-китоб қилиш шартларига мувофиқ товар юклаб жўнатилган санада аниқланган ҳисоб-китоб баҳоси қабул қилинади.

«Божхона» бўлимини махсус мухбиримиз Гулнора АБДУНАЗАРОВА олиб боради.

ИКТИДОР

ЁШЛАР – КЕЛАЖАК БУНЁДКОРЛАРИ

Халқимизда «Ёш келса – ишга...» деган гап бор. Бу гап бежиз айтилмаган. Зеро, мамлакатимизнинг бутунги ёшлари билагидаги кучни, билим-қўникмаларини қаерга ва қандай сарфлашни яхши билади. Юртимизда олиб борилаётган ёшларга доир сиёсат ҳам айнан уларнинг ҳар жабҳада мустақил қадам ташлаши, бутунги дунё тараққиёти билан ҳамнафас бўла олиши учун замин яратаётир.

Божхона органларида хизмат қилаётган ёш кадрларни ҳам маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда мамлакат суверенитети ва мустақиллигини химоя қилиш бўйича бурч туйғусини шакллантиришга қатта эътибор қаратилмоқда. Энг қувонарлиси, соҳада хизмат қилаётган ёш ходимлар божхона қонунчилигини тақомиллаштириш, тизимга замонавий коммуникация технологияларини кенг жалб қилиш, божхона тартиб-қоидаларини соддалаштиришга доир ўз тақлифларини бериб келмоқдалар.

Бугунги кунда Сирдарё вилояти божхона бошқармасининг Ёшлар ишлари агентлиги бошланғич ташкилотимизнинг вакиллари Ёшлар ишлари агентлиги томонидан вилоят миқёсида ўтказиладиган ҳар бир тадбирда фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, вилоят божхона бошқармаси ва божхона постларида ёш божхоначилар ва уларнинг ота-оналари билан ўтказиладиган учрашув ва давра суҳбатлари вилоят ҳокимлигининг масъул ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари, Ёшлар ишлари агентлигининг вилоят бошқармаси ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари иштирокида ўтказилмоқда.

Маълумки, Президентимиз томонидан илгари сурилган «Беш муҳим та-

шаббус»ни ҳаётда изчил татбиқ этиш мақсадида жойларда кутубхоналар қурилиб фойдаланишга топширилмоқда. Сирдарё вилояти божхона бошқармасида ҳам китобхонликни кенг тарғиб қилиш, ёшларни бадий асарларни мушоҳада этишга чорлаш ва бу орқали асрий анъаналаримизни сақлаган ҳолда маънавиятимиз ва маданиятимизга ҳисса қўшиш ҳар бир авлоднинг бурчи эканлиги, бадий адабиёт, аввало, инсонлар қалбини тарбиялаши, китоб туфайли дунёқарашимиз бойиб, тафаккуримиз янада ўсиб бориши кўзлангани боис бошқармада ташкил этилган кутубхонада 300 дан ортик номдаги илмий ва бадий нашрлар ёш божхоначиларимиз ихтиёрида.

Билимга чанқок ёшлар давлатимизнинг доимий ғамхўрлиги остида бўлиб келган. Шу сиёсатнинг амалдаги ифодаси ўларок ДБҚнинг Божхона институтида аъло баҳога тақсил олаётган ва намунавий хулқи билан барчага ўрнак бўлган Сирдарё вилоятида яшовчи курсантларнинг турмуш тарзидан мунтазам равишда хабардор бўлиб турадилар. Бошқармаимиз масъул ходимлари ушбу курсантлар яшаётган хонадонларга бориб, Божхона институти томонидан таъсис этилган «*Natunali bojxona tinglovchisi*» кўчма вимпелла-


рини топширдилар ва бошқармада бўлажак божхоначиларнинг оила аъзолари билан учрашувлар ўтказишди.

Соғ танда – соғ ақл, дейди халқимиз. Қолаверса, божхона тизими ходимларининг жисмонан баркамол ҳолатда юриши касб тақозосидир. Шу маънода Президентимизнинг жорий йил 30 октябрдаги «Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чоратadbirlари тўғрисида»ги ПФ-6099-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида жойларда ўтказиладиган турли спорт мусобақаларида ёш божхоначилар ҳам фаол иштирок этмоқда. Жумладан, яқинда Божхона институтида энгил атлетика, турникда тортилиш ва стол тенниси бўйича ўтказилган беллашувларда бошқарма ходимлари қатнашиб, яхши натижаларни қўлга киритишди: энгил атлетика бўйича 1-ўринни, Ёшлар ишлари агентлигининг вилоят бошқармаси томонидан ҳарбий хизматчилар ўртасида ўтказилган мини-футбол мусобақасида 2-ўринни ва аёл ҳарбий хизматчилар ўртасида волейбол мусобақаларида 3-ўринни эгаллашди.

Ҳарбий сафарбарлик йўналиши ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш йўналишида Мудофаа вазирлигининг Тошкент Ҳарбий Округи ва вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан ўтказиладиган Қўмондонлик штаб ўқуви, тактик ва амалий машғулотларида ҳам бошқармаимизнинг ёшлари фаол қатнашиб келмоқда.

Умуман олганда, Сирдарё вилояти божхона бошқармаси Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда ўтказиладиган тадбирларда ҳамкорлик қилишга доимо тайёр, чунки ёшлар келажагимиз, эртанги кунимизнинг бунёдкорларидир.

Соҳиб СОЛИЕВ,
Сирдарё вилояти божхона бошқармаси Ёшлар ишлари агентлигининг бошланғич ташкилоти етакчиси.



ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР
ФОШ ЭТИЛДИ

ҲУЖЖАТЛАРДА «ЙЎҚ». КЎРИК ВАҚТИДА КЎРИНИБ ҚОЛДИ

«Сирдарё» чегара божхона пости ходимлари товар-моддий бойликларнинг божхона чегаралари орқали ноқонуний олиб ўтилиши билан боглиқ навбатдаги ҳолатни аниқлашди.

Пост орқали қўшни давлатдан ўтиб келаётган А.О. бошқарувидаги «DAF» юк автомашинаси тегишли тартибда ўрғанилганда йўл-юк кузатув ҳужжатлари ва йўловчи божхона декларациясида кўрсатилмаган, оғзаки савол-жавоб вақтида айтилмаган, муқаддам фойдаланишда бўлган тахминий қиймати 36 млн 250 минг сўмлик 145 дона «Коринной лист рисора» товари борлиги аниқланиб, ашёвий далил сифатида олинди.

* * *

Сирдарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари ДХХ вилоят бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда Гулистон шаҳри ҳудудида дори воситаларининг ноқонуний айланувига қарши курашиш борасида тезкор тадбир ўтказди.

Олдиндан кузатувга олинган Э.С. бошқарувидаги «Малибу» автомашинаси шаҳар ҳудудида жойлашган автотурагоҳлардан бирига келиб тўхтаган вақтда кўздан кечирилди. Маълум бўлишича, Д.Ш.га тегишли бўлган ва энг аянчлиси, ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган ва сифати кафолатланмаган дастлабки қиймати 70,8 млн сўмлик жами 670 дона тиббиёт воситалари ички бозорда сотиш учун четдан келтирилган экан. Контрафакт дорилар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Ҳозирда ҳар икки ҳолат юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.



Саҳифа Сирдарё вилояти божхона бошқармаси Ахборот хизмати материаллари асосида тайёрланди.

<p>СОЛИК 4 ХАБАРЛАРИ БОЖХОНА</p> <p>Молиявий-иқтисодий, ахборот-ҳуқуқий газета</p> <p>ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ</p> <p>Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040. Хафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.</p>	<p>Бош муҳаррир Фарҳод Собирович ҚҮРБОНБОЕВ</p>	<p>Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб Нодир Носирович АЛИМОВ</p> <p>Саҳифаловчи Наталья БАРАНОВА</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Талимаржон кўч., 1/1 ТЕЛЕФОН/ФАКС Тахририят: (71) 200-00-90; E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz</p>	<p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини отказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.</p> <p>Газета ношир – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичлари: «СБХ» – 186, «НТВ» – 165. Қўғоқ бичими – А3. Ҳажми – 4 босма табоқ, Баҳоси келишилган нарҳда. Буортма ғ-1215. Адади 615. Газета 2020 йил 21 декабрь соат 16.00 да топширилди.</p>
---	--	--	--	--